

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ –
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
ТАРАҚҚИЁТИ ЯНГИ
БОСҚИЧИННИНГ АСОСИ**

2021

**Музаффаров Ф.Д. фалсафа фанлари
доктори (PhD)**

Нафетдинова Х.Р. катта ўқитувчи



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
ТАРАҚҚИЁТИ ЯНГИ БОСҚИЧИНИНГ АСОСИ”**

МОДУЛИ БҮЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Фуқаролик жамияти

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: **Ф.Д.Музafferov** фалсафа фанлари доктори (PhD).
Х.Р.Нафетдинова катта ўқитувчи.

Тақризчи: **С.С.Раупов** тарих фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	61
V. ГЛОССАРИЙ	113
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	119

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

“Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичининг асоси” модули ҳозирги кунда бошқарувда, корхона ва ташкилотларда Ҳаракатлар стратегияси дастурини жорий қилиш ва ривожлантириш, Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишларини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш масалаларини қамрайди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари.

“Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичининг асоси” фанини ўқитишдан мақсад - тингловчилар онгига демократиянинг назарий асослари ва қадриятларини сингдириш, демократик жамиятда яшаш кўниммаларини шакллантиришдан иборат.

“Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичининг асоси” фанининг вазифаси - Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини тушунтириш; тингловчиларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисида тасаввурларини бойитиши.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва
малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичининг асоси” ўкув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- демократик жамият тўғрисида назарий билимлар ва уларнинг Ўзбекистонда қўлланилиши тўғрисида, Ўзбекистонда ижтимоий-маданий тараққиёт жараёни хақида, жамиятнинг сотсиал маданий тараққиёти тўғрисида **билиши** керак.

Тингловчи:

- халқда маданий, ижтимоий, сиёсий тасаввурлар шаклланиши ва тараққиёти тўғрисида, демократик бошқарув стратегияси ва этикаси ҳақида, демократик тараққиётнинг ўзбек модели ҳақида, ўтмиш, бугун ва келажак воқеаларини баҳолашда сиёсий-тариҳий тажрибалардан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши** зарур.

Тингловчи:

– демократик давлат бошқарув назарияси бўйича тасаввурга эга бўлиш, давлат ҳокимиюти органлари тизимини билиш, демократик давлат бошқаруви тузилмасини, демократик давлат қурилиши назарияси моҳиятини билиш ва фойдалана олиши **малакаларини эгаллаши** лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши”, “Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишларини ўрганиш ва амалиётга жорий қилишга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	“Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” ва “инновацион ривожланиш” тушунчаларининг мазмуни ҳамда турли хил ёндошувлар.	4	4	2	2
2.	Тараққиётнинг инновацион модели.	4	4	2	2
3.	Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари.	4	4	2	2
4.	Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий, сиёсий ривожланишининг устувор йўналишлари.	4	4	2	2
5.	“Буюк келажак дастури”нинг мазмунмоҳияти.	4	4	2	2
6.	“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” концептуал ғояси – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси.	4	4	2	2
7.	“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғояси – Ўзбекистон тараққиётининг асоси.	2	2	2	
	Жами:	26	26	14	12

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: “Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” ва “инновацион ривожланиш” тушунчаларининг мазмуни ҳамда турли хил ёндошувлар.

Режа:

1. “Ривожланиш”, “стратегия” тушунчаларининг мазмун моҳияти.
2. “Концепция” тушунчасининг мазмуни ҳамда унга турли хил ёндошув.

3. “Инновацион ривожланиш” тушунчасининг мазмуни.

2-Мавзу: Тараққётнинг инновацион модели.

Режа:

1. Инновацион йўллар орқали иқтисодиётни ривожлантириш.
2. Инновацион ғояларни тарғиб этишнинг самарали йўллари.
3. Инновациялар – иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили.

3 - Мавзу: Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари.

Режа:

1. Ўзбекистон ижтимоий ривожланишининг илмий-методологик асослари.
2. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг методологик асослари.
3. Ўзбекистон сиёсий ривожланишининг илмий асослари.

4 - Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг устувор йўналишлари.

Режа:

1. Ўзбекистон ижтимоий ривожланишининг устувор йўналишлари.
2. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари.
3. Ўзбекистон сиёсий ривожланишининг устувор йўналишлари.

5-Мавзу: “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти.

Режа:

1. “Буюк келажак дастури”нинг қабул қилинишидан мақсад.
2. “Буюк келажак дастури” нинг мазмун-моҳияти.
3. Дастурда белгиланган мақсад вазифаларнинг амалиётга жориш қилиниши.

6-Мавзу: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, концептуал ғояси – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган

ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси.

Режа:

1. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” ғоясининг мазмун моҳияти.
2. Мамлақатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти.
3. “Янги Ўзбекистон-янгича дунёқараш” ғояси остида тарғибот тадбирларининг ўтказилиши.

7-Мавзу. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоялари – Ўзбекистон тараққиётининг асоси.

Режа:

1. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш.
2. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керақ” ғоясининг амалиётга жорий этилиши.
3. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” ғоясининг аҳамияти.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: “Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” ва “инновацион ривожланиш” тушунчаларининг мазмуни ҳамда турли хил ёндошувлар.

Режа:

1. “Ривожланиш”, “стратегия” тушунчаларининг мазмун моҳияти.
2. “Концепция” тушунчасининг мазмуни ҳамда унга турли хил ёндошув.
3. “Инновацион ривожланиш” тушунчасининг мазмуни.

2-Мавзу: Тараққиётнинг инновацион модели.

Режа:

1. Инновацион йўллар орқали иқтисодиётни ривожлантириш.
2. Инновацион ғояларни тарғиб этишнинг самарали йўллари.
3. Инновациялар – иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили.

3 - Мавзу: Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари.

Режа:

1. Ўзбекистон ижтимоий ривожланишининг илмий-методологик асослари.
2. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг методологик асослари.
3. Ўзбекистон сиёсий ривожланишининг илмий асослари.

4 - Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг устувор йўналишлари.

Режа:

1. Ўзбекистон ижтимоий ривожланишининг устувор йўналишлари.
2. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари.
3. Ўзбекистон сиёсий ривожланишининг устувор йўналишлари.

5-Мавзу: “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти.

Режа:

1. “Буюк келажак дастури”нинг қабул қилинишидан мақсад.
2. “Буюк келажак дастури” нинг мазмун-моҳияти.
3. Даструрда белгиланган мақсад вазифаларнинг амалиётга жориш қилиниши.

6-Мавзу: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, концептуал ғояси – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси.

Режа:

1. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” ғоясининг мазмун моҳияти.
2. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” ғоясининг амалиётга жорий этилиши.
3. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” ғоясининг ахамияти.

П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий хужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони эчишда талабалар томонидан билди - рилган эркин фикр ва муроҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир эчимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга та -лабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талаба - лар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва но - стандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда муроқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

Вазифаси. “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан кутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хилли - лигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони эчиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гурух янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб

тадқиқотчиликда (янги муаммони эчишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шаклланти - ради) асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий хужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича хар қандай мулохаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қай - тадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум давомида улар танқид қилин - майди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жихатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони эчиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни тақрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий хужум» методининг афзаллик томонлари:


1. натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шакл - ланишига олиб келади;
2. талабаларнинг барчаси иштирок этади;
3. фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
4. талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
5. талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий хужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси



«Ақлий хужум» методининг босқичлари:

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- a) Билдирилган фикр-ғоялар мухокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- б) Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- в) Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Замонавий таълим воситаси тушунчasi , таълим воситаси турлари, таълим воситасини қўллаш усуллари

Кластер

Кластер - (ўрам, боғлам). Билимларни актуаллашишини рагбатлантиради, мавзу бўйича фикрлаш жараёнига янги бирлашган тассавурларни очик ва эркин кириб боришига ёрдам беради.

«Кластерни тузиш коидалари» билан танишадилар. Катта когознинг марказига калит сўзи ёзилади.

Калит сўзи билан бирлашиши учун унинг ён томонларига кичик айланалар ичига «йўлдошлар» ёзилади ва «Катта» айланага чизикчалар билан бирлаштирилади. Бу «йўлдошлар» нинг «кичик йўлдошлари» бўлиши мумкин ва х.о. Мазкур мавзу билан бодлик бўлган сўзлар ва иборалар ёзилади.

Мулохаза килиш учун кластерлар билан алмашишади.

Гурухларда иш олиб бориш қоидалари

- ✓ Ўзаро ҳурмат ва илтифот кўрсатган холда ҳар ким ўз дўстларини тинглай олиши керак;
- ✓ Берилган топшириқга нисбатан ҳар ким актив, ўзаро ҳамкорликда ва маъсулиятли ёндашиши керак;
- ✓ Зарур пайтда ғар ким ёрдам сўраши керак;
- ✓ Сўралган пайтда ҳар ким ёрдам кўрсатиши керак;
- ✓ Гурух иш натижалари баҳоланаётганда ҳамма қатнашиши керак;
- ✓ Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
- ✓ Ўзгаларга ёрдам бериб, ўзимиз ўрганамиз!
- ✓ Биз бир қайиқда сузаяпмиз: ё бирга кўзлаган манзилга етамиз, ёки бирга чўкамиз!

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: “Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” ва “инновацион ривожланиш” тушунчаларининг мазмуни ҳамда турли хил ёндошувлар.

Режа:

1. “Ривожланиш”, “стратегия” тушунчаларининг мазмун моҳияти.
2. “Концепция” тушунчасининг мазмуни ҳамда унга турли хил ёндошув.
3. “Инновацион ривожланиш” тушунчасининг мазмуни.

Таянч тушунчалар: Ҳаракатлар стратегияси, ривожланиш, стратегия, концепция, инновацион ривожланиш.

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб унда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди. Жумладан: аҳолинининг олий таълим билан қамраб олингандлик даражаси паст; олий таълим муассасалари ўқув режалари ва дастурларини, талабаларни қабул қилиш квотаси миқдорини белгилашда, молиявий маблағларни тақсимлашда мустақил эмас;

илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун масъул вазирлик ва

идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик лозим даражада эмас, илмий-тадқиқот муассасалар ва лабораториялар фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган;

илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш даражаси паст; инновацион менежмент соҳасида технологиялар трансферини фаол илгари суриш ва амалга оширишга қодир юқори малакали мутахassisлар мавжуд эмас;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилаётган бюджет маблағлари етарли эмас;

илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш самарали ва шаффоф эмас, бюджетдан ташқари ва хусусий жамғармалар маблағларини жалб этишни рағбатлантириш механизmlари мавжуд эмас, қарзни молиялаштиришнинг ички манбалари етарли даражада ривожланмаган;

интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш лозим даражада эмас, ушбу соҳада, айниқса давлат органлари ва ташкилотларида малакали мутахassisлар мавжуд эмас;

қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари, иккиламчи ресурсларни энергетик утилизация қилиш соҳаларида инновацион технологияларни жорий этиш даражаси паст;

мамлакатда, айниқса давлат компанияларида корпоратив муносабатлар ва корпоратив бошқарув принциплари ривожланмаган, бунда хориждаги энг намунали амалиёт инобатга олинмаяпти;

мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмида ахборот-коммуникация технологиялари секторининг улуши кам.

Қайд этилган камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиётнинг ўсишига ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсадлар, вазифалар ва асосий

йўналишларни назарда тутадиган 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) ишлаб чиқиши алоҳида аҳамият касб этмоқда:

1. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсадидир.

2. Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илфор мамлакати қаторига киришига эришиш;

барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизиминининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирchan механизmlарини яратиш; инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;

бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимиюти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуqlари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш. 1. Лойиҳавий бошқарув механизмларидан фойдаланган ҳолда

дастурий-мақсадли принцип асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказишга давлат томонидан буюртма бериш орқали тадқиқотлар ташкил этиш механизмини жорий этиш.

2. Ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Ноёб илмий-техник ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказларини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикасида илмий фаолият нуфузини ошириш.

5. Мамлакатимиз ва хориждаги илмий-техник ахборот манбаларини тўплаш, сақлаш ва қайта ишлашга, ахборот фондлари, маълумотлар базалари ва банкларини шакллантириш, юритиш ва улардан фойдаланишга ихтисослашган республика, тармоқ ва ҳудудий илмий-техник ахборот ресурслари ва ташкилотларидан иборат давлат илмий-техник ахборот тизимини яратиш.

6. Интеллектуал мулк обьектларини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш.

7. Технологиялар трансфери бўйича миллий ва ҳудудий оғисларни ташкил этиш.

8. Илғор технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этиши учун технопарклар хаби, эркин иқтисодий зоналар, эркин саноат зоналари, кичик саноат зоналари ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш.

9. Хорижий ҳамкорлар билан маҳаллий илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиши бўйича қўшма ташкилотларни шакллантириш учун давлат кўмагини кучайтириш.

1. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга бориб бу кўрсаткични ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,8 фоизига етказиши.

2. Инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича маҳсус институтлар (инновация жамғармалари, инновация банклари, венчур жамғармалари) ташкил этиши.

3. Мамлакатни инновацион ривожлантиришни рағбатлантириш учун банк кредитини олиш тартиб-таомилларини ва талабларини соддалаштириш.
4. Инновацион тараққиётни микромолиялаштириш тизимини такомиллаштириш.
5. Илмий-технологик ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш ва молиялаштиришда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш.
6. Инновацион лойиҳалар ва салоҳиятли инвесторларнинг доимий равишда янгилаб бориладиган ягона маълумот базасини ташкил этиш.
7. Инновацион лойиҳалар учун грантлар ва техник кўмак маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва шаффофлигини ошириш.

Телекоммуникация соҳасини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини, шу жумладан давлат-хусусий шериклиги асосида тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириш орқали такомиллаштириш.

2021 йилгача ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизматлар экспорти улушини улар умумий ҳажмининг 4 фоизига етказиш.

Барча операторлар учун халқаро телекоммуникациялар тармоқларига тўғридан-тўғри уланишни эркинлаштириш.

Аҳолини ахборот-коммуникациялар технологияларидан фойдаланишга рағбатлантириш. Стартап лойиҳалар учун технопарк ташкил этиш орқали мамлакатимизда дастурний маҳсулотлар ишлаб чиқиши тармоғини ривожлантириш.

1. Ўқув-тарбия жараёнига янги таълим дастурларини, замонавий педагогик технологиялар ва smart-технологияларни жорий этиш орқали таълим муассасаларида ўқитиши сифатини янада яхшилаш (электрон модуллар ташкил этиш ва масофавий ўқитиши жорий этиш).
2. Ногирон болалар таълим ва тарбиядан teng шароитда баҳраманд бўлиши учун шароитлар яратиш мақсадида инклузив таълимни ривожлантириш, шу жумладан:
 - таълим муассасаларида кўтариш қурилмалари, пандуслар, санитар

хоналарда махсус мосламалар ўрнатиш, тутқичлар, махсус парталар, столлар ва бошқа махсус компенсатор воситалари билан жиҳозлаш орқали "тўсиқсиз муҳит" яратиш;

имконияти чекланган болаларни интеграциялашган ҳолда ўқитиши дастурларини яратиш;

таълим муассасаларини тегишли кадрлар (педагог-дефектологлар, болаларни руҳий-педагогик қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассислар) билан таъминлаш.

3. Ҳудудий ва миллий даражада таълим жараёни натижаларини тизимли мониторинг қилиш асосида таълим сифатини ва унинг мамлакат инновацион ривожланиши даражасига таъсирини баҳолашнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

4. Мехнат бозоридаги тенденциялар ўзгариб боришини ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлашга муҳтоҷ ёшлар учун касб-хунар коллежларида қисқа муддатли ўқувлар ташкил этиш.

5. Аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишини ошириш.

6. Табиий ва техник фанлар йўналишлари бўйича талабалар улушини кўпайтириш.

7. Чоп этилган илмий мақолалар сони, улардан иқтибос келтириш индекси, халқаро конференциялар ва семинарларда иштироки, олинган патентлари сони бўйича танлаб олинган соҳадаги энг фаол олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг тадқиқот йўналишини кучайтириш.

8. Тармоқ ва минтақавий иқтисодиёт сценарийлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида инновацион фаолият ривожини прогнозлаштириш тизимининг алоҳида бўғини сифатида етакчи олий таълим муассасаларида форсайт марказларини ташкил этиш. Олий таълим муассасасининг ички ва ташқи муҳитини илмий-технологик прогнозлаштиришни таъминлаш, уларнинг технологик ва инновацион муҳитини ва устувор инновацион йўналишларини ривожлантириш.

Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини жорий этиш.

Иқтисодиётни тараққиётнинг инновацион йўлига ўтишини таъминлайдиган рақобатбардош бозорни шакллантириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш.

Монополияга қарши сиёсатни, шу жумладан давлат-хусусий шериклигини жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, барча юридик ва жисмоний шахслар учун табиий монополиялар субъектлари товарлари, ишлари ва хизматларидан фойдаланишда тенг шароитларни таъминлаш, монопол корхоналар маҳсулотларига нарх шаклланишининг самарали механизмларини жорий этиш.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва ички бозорнинг монополлашувини олдини олиш.

2021 йилга бориб давлат кадастри ишларини юритишнинг тўлиқ рақамлаштирилишини таъминлаш ва мулкни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини соддлаштириш.

Қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш улушкини 2025 йилга бориб 20 фоиздан зиёдга ошириш.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили» Давлат дастурини бажариш доирасида Фарғона водийси вилоятларининг иқтисодий, инвестицион ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Автомобилсозлик, энергетика, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари саноати, аграр соҳада инновацион технологиялар қўлланиладиган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ёшлиарнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини

рўёбга чиқариш, инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, олимлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Фарғона водийси вилоятларининг саноати ва иқтисодиётининг бошқа тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор килади:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг Фарғона шаҳрида давлат унитар корхонаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида Ёшлар инновация марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Фарғона вилоятининг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг талабалари, ёш олимлари ва ўқитувчиларига инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш учун замонавий илмий ва лаборатория асбоб-ускуналари, ахборот-коммуникация технология воситалари билан жиҳозланган технологик ва ишлаб чиқариш майдончаларини тақдим этиш йўли билан уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

олий таълим ва илмий муассасалар, тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида инновацион ғоялар ва лойиҳалар, маҳсулотлар ва технологияларнинг истиқболли турларини ишлаб чиқишида ўзаро манфаатли хамкорлик муносабатлари ривожланишини мувофиқлаштириш;

илмий ва лаборатория тадқиқотлари олиб бориш, тажриба намуналарини, саноат маҳсулотларининг прототипларини ишлаб чиқиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, шунингдек,

инновацион фаолият натижаларининг трансфери ва тижоратлаштирилиши, стартап лойиҳаларни амалга ошириш, саноат даражасида уларни тўлақонли жорий этишда амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ёшлар, олимлар ва ўқитувчиларни иқтисодиёт соҳалари ва корхоналарнинг илмий-техник муаммоларини ҳал этишга жалб қилиш;

Марказ тузилмасида ташкил этиладиган коворкинг-марказда ёшлар, олимлар ва тадбиркорларга маслаҳат, молиявий, бухгалтерия хизматлари ва бошқа хизматлар, шунингдек, бизнес-акселератор хизматлари кўрсатиш, ахборот-коммуникация воситалари ва Интернет тармоғига кириш билан таъминлаш;

халқаро ва маҳаллий даражада эътироф этилган компаниялар, ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар иштирокида инновациялар соҳасида маҳорат дарслари, тренинглар ва малака ошириш курслари, шунингдек, долзарб илмий-инновацион йўналишлар бўйича илмий-амалий конференциялар ва семинарлар, танловлар ўтказиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги «Ёшлар инновация маркази» давлат унитар корхонасининг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ директорига Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишган ҳолда ходимларнинг умумий белгиланган сони ва меҳнатга ҳак тўлаш жамгармаси доирасида Марказ тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуки берилсин.

Белгилансинки:

Марказ илмий ва раҳбар ходимларининг лавозим маошлари бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг давлат илмий-техник дастурларини амалга оширишда иштирок этувчи илмий муассасаларнинг илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошига, бошқа ходимларнинг лавозим маошлари эса — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган лавозим маошларига

тенглаштирилади;

Марказ директори Инновацион ривожланиш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

4. Қуидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш жамғармасининг маблағлари;

Марказ томонидан шартнома асосида бажарилган ишлар (товарлар, хизматлар)дан тушумлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишга ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги уч ой муддатда Марказ Уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Марказда юридик шахсни ташкил этмасдан Ишлаб чиқаришга инновацион ғоялар ва лойиҳаларни жорий этиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин, қуидагилар уни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган 5 млрд. сўм миқдоридаги ва Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 5 млрд. сўм миқдоридаги маблағлари;

Инновацион ривожланиш ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Кузатув кенгаши қарорлари билан белгиланадиган миқдорларда Инновацион ривожланиш ва инновацион ғояларни қўллаб-куватлаш жамғармаси томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга ажратиладиган маблағлар;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги олий таълим

муассасаларининг инновация жамғармаларига йиллик тушумларнинг 10 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг хўжалик бошқаруви органлари ва давлат корхоналарининг инновацион фаолиятини қўллаб-куватлаш жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар;

Марказ кўмагида яратилган инновацион маҳсулотлар ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, шунингдек, Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушган даромад;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан фойдаланишининг асосий йўналишлар этиб белгилансин:

инновацион лойиҳалар ва стартапларнинг амалга оширилишини молиялаштириш, шу жумладан, техник-иктисодий асослашни ишлаб чиқиш, асбоб-ускуна, хом ашё, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш, тажриба намуналари, саноат маҳсулотларининг прототипларини ишлаб чиқиш;

Марказни замонавий илмий ва лаборатория ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, Марказда лаборатория тадқиқотларини ўtkазиш учун лаборатория жиҳозлари, реактивлар ва бошқа сарфлаш материалларини сотиб олиш;

Марказ кутубхонасини шакллантириш ва уни халқаро ва маҳаллий илмий-техник адабиётлар билан тўлдириш, шунингдек, инновациялар соҳасида илмий-амалий конференциялар, семинарлар, танловлар ўтказиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг буюртмалари асосида Жамғарма маблағларини шакллантириш ва Марказ фаолиятини қўллаб-куватлаш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли заёмлари, грантлари ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилиш

9. Фарғона шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Марказни Фарғона вилояти, Фарғона кўчаси, 84-уй (кейинги ўринларда обьект деб аталади) манзили бўйича жойлашган Қиргули қурилиш-саноат касб-хунар коллежи биносининг бир қисмида (477,4 кв м) ижара тўловининг «ноль» ставкасида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

10. Объектни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва Марказни лаборатория асбоб-ускуналари, мебель, инвентарь, компьютер ва бошқа ташкилий техника билан жиҳозлаш доирасида:

а) Фарғона вилояти ҳокимияти хузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжинириング компанияси — буюртмачи;

танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича белгиланган тартибда аниқланадиган ташкилотлар — бош лойиҳалаштирувчи ва пудратчи ташкилотлар;

б) қуийдагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари — Марказ обьектини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ишларни;

Инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш жамғармаси маблағлари — Марказ фаолиятини бошлаш учун уни лаборатория асбоб-ускуналари, мебель, инвентарь, компьютер ва ташкилий техника билан жиҳозлаш бўйича харажатларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги обьект бўйича қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши сифати устидан белгиланган тартибда архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

Буюртмачи бош лойиҳа ташкилоти билан биргалиқда лойиҳа-смета хужжатлари белгиланган тартибда ва муддатларда ишлаб чиқилишини,

куриб чиқилишини ва уларнинг ваколатли экспертиза органларида келишишишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказнинг буюртмалари бўйича унинг белгиланган тартибда юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини ҳамда уни зарур телефон алоқаси билан таъминласин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Фаргона, Андижон ва Намангандар вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва Марказ фаолияти аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида кенг ёритилишини таъминласин.

Назорат учун саволлар.

1. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қачон қабул қилинган?

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси иккинчи устувор йўналиши қайси?

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси учинчи устувор йўналиши қайси?

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўртинчи устувор йўналиши қайси?

2-Мавзу: Тараққиётнинг инновацион модели.

Режа:

- Инновацион йўллар орқали иқтисодиётни ривожлантириш.
- Инновацион ғояларни тарғиб этишнинг самарали йўллари.
- Инновациялар – иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили.

Таянч тушунчалар: Инновация, иқтисод, инновацион ғоя, ижтимоий тараққиёт, модел, тараққиёт.

Маълумки, ҳар қандай тараққиёт модели давр талаблари асосида янги мазмун ва шакл билан тўлдириб, бойитиб борилади. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинаётгани ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур дастуриламал ҳужжат иқтисодиётни ривожлантириш, уни изчил модернизация ҳамда диверсификация қилишни янада чуқурлаштириш, инновацион, яъни билимлар иқтисодиётига ўтишни жадаллаштиришга кенг йўл очиб берди.

Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишлиланган тўртинчи йўналишининг муҳим қисмларидан бири таълим ва фан соҳаларини қамраб олган. Хусусан, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорини замонавий эҳтиёжларга мос юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, унинг ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш вазифалари қўйилди.

Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки ҳозирги пайтда жаҳонда таълим тараққиёти бошқа товар ва хизматларга нисбатан анча жадаллаб кетди. Биргина мисол: БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари дастурида келтирилишича, 2000 — 2030 йилларда дунёдаги олий ўқув юртлари талabalari сони 4,2 баробар ортади. Табиийки, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш бундай юқори даражада ўсмайди.

Таъкидлаш керакки, таълим чекланмаган инновацион ресурсдир. Унинг бошқа товар ва хизматлардан фарқли ўлароқ “тўйиниш” нуқтаси йўқ. Таълим

тизимининг ривожланиши ва такомиллашуви халқнинг билим даражасини ошириш, уларга хўжалик қарорларини қабул қилишда муқобил ечимлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Бинобарин, ишчи кучининг ҳаракатчанлиги, уларнинг касбий малакаси, индивидуал қобилиятларини намоён этиш даражаси, тадбиркорлик фантазияси, бизнесни ташкил этиш романтикаси, шартномаларни бажариш этикаси, даромадлардан фойдаланиш санъати, менежерлик ва маркетинг миссияси кишиларнинг билим савиясидан келиб чиқади. Президентимиз ташаббуси билан таълим тизими ислоҳ қилинаётганининг боиси ҳам шунда.

Сир эмас, ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳар ўн минг аҳоли сонига ҳисоблаганда олий ўкув юртлари талабалари сони бўйича ривожланган давлатлардан анча орқада. Мавжуд фарқни камайтириш мақсадида таълимнинг анъанавий — кечки ва сиртқи, замонавий — барча учун баробар бўлган инклузив, on-line, масофали ўқитиши, очик ва мослашувчан -билим бериш шаклларидан кенг фойдаланган маъқул.

Гап шундаки, мамлакатимиз “бир умрга етадиган таълимдан умр бўйи таълим олиш” тизимиға ўтмоқда. Бу университетдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш тизимини янада такомиллаштиришни -тақозо этади. Қолаверса, олдин иш жойларини яратиб, кейин кадрлар тайёрлашга ўтиш тизими ўтмишда қолди. Малакали кадрлар инновацион билимлар билан қуролланиб, ўзларига ўзлари иш жойларини яратишга ўтишни рағбатлантириш лозим бўлади. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати яқин кўмакчига айланади.

Инновацион иқтисодиёт, бу — билимлар, янги ғоялар иқтисодиёти экан, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш унга ўтишда ўзига хос қўпrik вазифасини бажаради. Бунга таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳисобига тараққий этиб бораётган мамлакатлар тажрибаси яққол мисол бўла олади. Негаки, агар жамиятда ишлаб чиқаришнинг локомотиви меҳнат бўлса, индустрιал жамиятда — капитал, постиндустрιал жамиятда эса таълим ва билимлардир.

Тўғри, инновацион иқтисодиётни яратиш ўз-ўзидан бўлмайди. У инновациялар оқимига, доимий технологик такомиллашувга, ишлаб чиқариш ва экспортда қўшимча қийматга эга бўлган юқори технологияли маҳсулотга асосланадиган иқтисодиёт туридир. Бу ерда фойданинг асосий қисмини моддий ишлаб чиқариш эмас, балки олимлар ва новаторлар интеллекти, ахборотлар оқими яратади, хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссаси жиддий ошади.

Инновацион иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бири ахборот-коммуникация технологиялариdir. Аммо айни пайтда АҚТнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши жуда паст. Бу соҳада Корея Республикаси, АҚШ, Германия, Япония, Швеция, Сингапур ва бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда инновацион товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони кўпайиб бораётгани, техника, ахборот технологиялари университетларида ҳамда чет эл олий ўқув юртларининг Тошкент шаҳрида очилган қатор филиалларида инноватор кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилгани дикқатга сазовордир.

Умуман олганда, улкан интеллектуал, табиий ишлаб чиқариш салоҳиятига асосланган Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий-иктисодий соҳалар ривожини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши, Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириши муқаррар.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурнинг Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид қисми 15 та бўлим, ва 96 бандни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган устувор вазифалар асосида "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Давлат дастури умумий киймати 18,2 трлн сўм ва 10,3 млрд АҚШ

доллариға тенг лойиҳаларни қамраб олади. Шулардан: Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ҳисобидан – 12.9 трлн. Сўм Ижрочилар ва банклар ҳисобидан – 2 трлн. Сўм Халқаро молия институтлари маблағлари ва грантлар ҳисобидан – 3.3 трлн сўм ва 10.3 млрд АҚШ доллар. Дастурни иқтисодга оид қисми 15 та бўлим, ва 103 бандни ўз ичига олади. Нарх-наво доимий назоратда бўлади: 3.1 Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва нарх-навонинг барқарорлигини ва инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлаш. - инфляцион таргетлаш тизимиға ўтиш, эконометрик моделлаштириш инструментларини кенг қўллаш, макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш тизими (forecasting and policy analysis)ни тўлиқ татбиқ этиш орқали иқтисодий ўсиш ва инфляция мувозанатини таъминлаш, ташқи хавф-хатарларни, пул-кредит ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини тизимли баҳолаш назарда тутилади. Халқ пули тўғри сарфланади:

3.2. Молия тизимини ислоҳ қилиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, қўшимча имконият ва манбалар ҳисобидан бюджет дефицитини камайтириш. - Ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган марказлашган инвестициялар самарадорлигини ошириш, давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолаш (public investment management assessment) тизимини жорий этилади. Яширин иқтисодиёт ҳажми камаяди: 3.3. Солиқ ислоҳотларини амалиётта самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоғ йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ҳамда соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиқса тортиладиган базани кенгайтириш. - Жаҳон банки ўтказган саволномада 15% тадбиркорлар яширин иқтисодиёт томонидан рақобат фаолиятларида энг асосий тўсиқлардан бири деган. - Хорижий мутахассислар иштирокида “яширин иқтисодиёт”нинг вужудга келиш омилларини таҳлил қилиш ва унга қарши курашиш дастурини тасдиқлаш назарда тутилган. Энергия сарфини камайтиришга чақирув (Call for action): 3.4. Иқтисодиёт таркибини янада диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, биринчи

навбатда, маҳаллий минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш таннархини ва энергия сарфини камайтириш. - Энергетика вазирлиги тизимидағи ташкилотларда назорат ва маълумотлар йиғиш тизимини (supervisory control and data acquisition), энергия менежменти тизимини (energy management systems) ҳамда бошқа турдаги ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш назарда тутилган. Инфраструктурга яратилади:

3.6. Худудларни комплекс ривожлантириш, мустаҳкам ва барқарор замонавий ишлаб чиқариш ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш. - инфратузилмасини ривожлантириш, бунга республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини йўналтириш;

- 2020-2022 йилларда марказлашган манбалар ҳисобидан о йўл қурилишига 2,8 трлн сўм,
- о сув тармоқларига - 2,7 трлн сўм,
- о электр тармоқларига - 18,2 трлн сўм,
- о табиий газ таъминотига - 1,2 трлн сўм маблағ ажратиш.

Ҳар қайси тармоқ ишига баҳо бериш осонлашади:

3.7. Ҳисобга олиш ва статистика тизимини такомиллаштириш.

- 2020 йилда “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқилади, унда миллий статистика тизимини ташкил этиш, статистика маълумотларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш ва эълон қилиш талабларини ўрнатиш аниқ қилиб белгиланади. Кичик бизнесга эътибор янада кучаяди:

3.8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш.

- “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади;
- монополияга қарши курашиш қўмитасининг Олий Мажлисга ҳисобдорлигини оширилади ҳамда йилда камида икки марта қўмитанинг

хисоботини эшитиш амалиётини жорий қилинади;

- субсидиялар, преференциялар ва имтиёзли кредитлар бериш амалиётини қайта кўриб чиқиш, норматив-ҳукуқий хужжатларни фақат Монополияга қарши курашиш қўмитаси хulosасини олган ҳолда киритиш амалиётини жорий қилинади;

- тадбиркорлар учун ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш тизимини такомиллаштирилади.

Банк замонавийлашади, иш онлайн равишда битади:

3.9. Банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ҳамда замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш.

- банк тизимида инсон омилини чеклаган ҳолда рақамли технологиялар кенг қўлланилади;

- “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга туширилади;

- Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйиш учун йўналишлар кесимида бизнес лойиҳалар базасини шакллантирилади.

Йўллар сифати ошади, тирбандлик камаяди, вақт ва машина таъмир пули тежалади:

3.10 Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ишлар сифатини ошириш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, транспорт инфратузилма обьектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

- Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача автомобиль йўлларини

ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқилади. Мавжуд йўл инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида транспорт оқимларини бошқаришнинг замонавий тизимларини қўлланилади;

- 5,5 минг км узунликдаги автомобиль йўллари ҳолатини яхшиланади;
- 600 та янги автобуслар сотиб олинади.

Хорижий инвестициялар янада ошади:

3.11. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни қўллаб-куватлаш ва хуқуқий ҳимоя қилиш

- 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳа – смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари;
- барча манбалар ҳисобидан 23 млрд АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 206 та янги йирик қувватларни ишга тушириш;

Экспорт қилувчилар қўлла-қувватланади:

3.12. Янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини кенгайтириш орқали худудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш;

- Жаҳон савдо ташкилоти билан мулоқотлар фаоллаштирилади ва бу бўйича 2020 йилга мўлжалланган “йўл харита”си тасдиқланади;
- Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликнинг миллий иқтисодиётга таъсири кўриб чиқилади, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, ҳар бир иқтисодиёт тармоғига таъсири баҳоланади. Пахтага давлат буюртмаси бекор қилинади;

3.13. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кластер тизимини ва барча йўналишларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш йўналишларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш

- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларидан мутлақо воз кечилади. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмасининг ваколат ва фаолият йўналишларини халқаро функционал баҳолаш (Management Functional Assessment Model – MFAM) мезонлари асосида қайта кўриб чиқилади;

- 2020 йилда 44 минг гектарда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этилади.

IT соғлик ва таълимда қўлланилади:

3.14. “Рақамли иқтисодиёт”ни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимларини автоматлаштириш, ахборот тизимининг яхлитлиги ва барқарор фаолиятини ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

- Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантирилади;
- яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллалар тезкор Интернет билан таъминланади;
- Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистан ва Урганч шаҳарларида технопарк ташкил этилади.

Давлат роли иқтисодиётда қисқартирилади, бўш бинолар берилади:

3.15. Давлат бошқарувининг замонавий усулларини, давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш қўламини кенгайтириш, бўш турган ер

майдонлари, бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишини жадаллаштириш. - Риэлторлик фаолияти такомиллаштирилади. Барча сотилаётган кўчмас мулк обьектлари ҳақидаги ишончли ахборотни реал вақт режимида олиш, уларнинг бозор нархини ошкора ва шаффоф шакллантириш имконини берадиган кўчмас мулк бозорининг ягона электрон платформаси ташкил этилади.- Давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи мавжуд эксклюзив хукуқларини қисқартирилади.

Назорат учун саволлар.

1. Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг хукуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди. Президент Ш.Мирзиёевнинг ушбу фикрлари қайси нутқидан олинган?
2. Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёsat юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позитсиясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда”. Президент Ш.Мирзиёевнинг ушбу фикрлари қайси нутқидан олинган?
3. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясига қандай таклиф билан чиқди?
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси нечта уступор йўналишни ўз ичига қамраб олади?

3 - Мавзу: Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари.

Режа:

1. Ўзбекистон ижтимоий ривожланишининг илмий-методологик асослари.
2. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг методологик асослари.
3. Ўзбекистон сиёсий ривожланишининг илмий асослари.

Таянч тушунчалар: ривожланиш, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий

ривожланиш, сиёсий ривожланиш.

Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эҳтиёжлари, талаблари ва ҳаётий тамойиллари бўлади. Ҳар бир замоннинг ўз зайди, қарашлари, муносабатлари, тафаккур тарзи бўлади. Ана шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, 2017 йил Ўзбекистоннинг тарихий тараққиёт ва ривожланишида бутунлай янги босқични бошлаб берди. Бу бевосита замон билан ҳамнафас, ҳозирги сивилизатсия талабларига жавоб берадиган, бугунги кун миллий ва дунёвий эҳтиёжларини назарда тутган, жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари билан миллий хусусиятларимиз, қадриятларимиз, давлатчилик усул ва услубларимиз билан уйғунлашиб кетган, синтезлашган кучли ва қудратли сиёсий тафаккур билан боғлиқ. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” айни ана шу замонавий тафаккурни мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни ривожлантириш, бошқарувни эркинлаштириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш билан бирга халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ўз сўзи, қатъий холосаси, умумсайёравий масалаларни ҳал қилишда, ички ва ташқи сиёсатда ўзгармас, изчил позициянинг мавжудлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистонда мустақилликка эришгач янги тарихий шароитларда, янги давлатчиликка асос солинди. Ҳукукий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти вужудга келтирилди. Сиёсий, ҳукукий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада туб бурилишлар ясалди. Ташқи сиёсатда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг teng ҳукукли субектига айланди ва ўзининг қатъиятли сиёсий позитсиясини намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу Фармон ҳар томонлама тараққиётнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қиласиди. Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сайловолди жараёни,

жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, сотсиал-иктисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилди. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шартшароитлар яратишдан, мамлакатни модернизатсиялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир. Хусусан, Фармонда мамлакатни ривожлантиришнинг **бешта устувор йўналишлари** белгиланганди. Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислоҳотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат:

I. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш:

- 1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизатсия қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;
- 1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш;
- 1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш;

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиши:

- 2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш;
- 2.2. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;
- 2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш;
- 2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;
- 2.5. Суд-хуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш;
- 2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

III. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш:

- 3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;
- 3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизатсия ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш;
- 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизатсия қилиш ва жадал ривожлантириш;
- 3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хуқукини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада қучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институтсионал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш;
- 3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириши:

- 4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш;
- 4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;
- 4.3. Арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникатсия ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизатсия қилиш;
- 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш;
- 4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритши.

- 5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар;
- 5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги

устувор йўналишлар.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш назарда тутилган, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланиб борилади.

Давлат ва жамият қурилиши тизимининг такомиллаштириш.

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши “**Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириши**” деб номланади. Ушбу йўналишда қуйидаги стратегик вазифалар белгиланди:

1. Демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизатсия қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларининг ролини янада кучайтириш.
2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш.
3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш.

Мустақиллик йилларида Конститутсия ва қонунларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари, Сенатнинг ва Қонунчилик палатасининг алоҳида ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг мустақил ва демократик тамойиллар асосида кечишини таъминлай оладиган даражада белгиланди. Мамлакатимизда Парламент ислоҳотларини янада чуқурлаштириш натижасида икки палатали парламент ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимияти хуқуқий давлат талабларига жавоб берадиган даражада фаолият юрита бошлади. Ҳаракатлар стратегиясида «давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш»га доир стратегик вазифа қўйилди. Шу мақсадда, Ҳаракатлар дастурида Олий Мажлиснинг ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосан бошқа ҳокимият тармоқлари билан мувозанатни ва ўзаро бир-бирини тийиб туришни таъминлаш, унинг давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш мақсадида «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқилди, лойиҳада Олий Мажлис Конунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси томонидан парламент назорати вакли сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш, Олий Мажлиснинг тадбиркорлик субектлари ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни парламент назорати субекти сифатида белгиланди 37. Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган - «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида ҳудудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлади. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши бўйича мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши тизимини янада такомиллаштириш мақсадида яна бир қатор қонун ва қонун ости хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган:

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тадбиркорлик субектлари ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;
2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;
3. Ахолининг сенаторлар ва депутатлар билан ўзаро муносабатларини, Олий Мажлиснинг халқ билан мулоқотини такомиллаштириш мақсадида «Электрон парламент» тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-

тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилишга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаш;

4. Сиёсий партиялар депутатлик гурухларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилинишидаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Конститутсијасининг 32-моддаси мамлакат ҳаётида фуқаролик жамияти институтларинингролини оширишга қаратилган муҳим қоида билан тўлдирилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўtkазиш ва давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди. Шундан келиб чиқсан ҳолда Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки давлат томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласининг стратегик вазифа сифатида илгари сурилиши жамоатчилик бошкаруви тизимини такомиллаштиришга хизмат қиласди. 2016 йил 11 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуни кучга кирган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 24-сон Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш демократик давлат барпо этишининг муҳим шартидир. Фуқаролик жамияти институтларидан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳалладир. Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачигидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Ҳозирги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллукли бўлган

30 дан зиёд ижтимоий-иктисодий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Амалга оширилган кенг кўламли ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшапи бўлмаган тузилмага айланди. 2017-йилнинг 8 ойи давомида Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши асосида замонавий талабларни инобатга олган ҳолда, 16 та вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тузилмаси, вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилди, 20 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш. Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш” деб номланади. Бундан минг йил муқаддам улуғ бобомиз Абу Наср Форобий: “Қонунлари кучли давлат қудратли бўлади. Қонунлари мукаммал шаҳар мукаммал шаҳардир”, - деган эди. Дарҳакиқат, ҳақиқий эркинлик, эркин ва озод фаолият амалдаги қонунлар доирасидаги фаолиятдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқий демократия - қонунлар диктатураси. Ана шундагина қонун устуворлигига эришилади ва барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланади. Ҳар қандай давлатнинг мустаҳкамлиги, унинг адолатли ва қатъиятли сиёсати, ижтимоий адолатни, ҳақиқатни, фуқаролар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар асосида кўрилади. Айни қонун доирасидаги эркинлик, қонун доирасидаги эркин фаолият ишлаб чиқариш маданиятини ҳам, турмуш турзи маънавий меёrlарини ҳам давлат бошқаруви тамойилларини ҳам қадриятга айлантиради.

Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингунига қадар, унинг мухокамаси даврида ва қабул қилинганидан сўнг суд-ҳуқуқ тизими билан боғлиқ бўлган бир қатор хужжатлар қабул қилинди. Дастрраб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон; 2016 йил 20 сентябрда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 9

январда “Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон; 2017 йил 29 марта “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 29 марта “Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 6 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг конститутсиясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун (80, 81, 83, 93, 107, 110, 111, 112); 2017 йил 12 апрелда “Ўзбекистон Республикаси судялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 12 апрелда «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик протсессуал ва Хўжалик протсессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга асосан бу йўналишда қатор ислоҳатлар амалга оширилди. Инсон ҳимоячиси ҳисобланган суд органларининг чинакам мустақиллигини таъминловчи дастлабки қўйилган қадам судяларни **алмаштириб бўлмаслик принцибининг** мустаҳкамланиши бўлди. Судя лавозимида бўлишнинг илк маротаба *беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатини, сўнг муддатсиз* даврини белгилашга оид нормалар киритилди. Судларнинг мустақиллигига бағишлиланган Европада нуфузли ҳужжат саналувчи Судяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги 12-Тавсияларга асосан, судялар мустақиллигининг муҳим тамойилларидан бири, бу уларни **алмаштириб бўлмаслик принсиридир**. Мазкур ҳужжат мазмунига кўра, судя пенсияга чиққунга қадар ваколат муддати кафолотланган бўлиши назарда тутилган. Судяни лавозимига доимий тайинлаш, факат у интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортилганда ёхуд ўз судялик вазифаларини бажара олмай қолганда тугатилиши мумкин. Муддатидан олдин пенсияга чиқиш факат судянинг

илтимосига ёки тиббий асосларга кўра йўл қўйилиши белгиланди. Олий суднинг судялари учун судялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши 70 ёшни, бошқа судларнинг судялари учун 65 ёшни ташкил этади. Ушбу киритилган нормалар судялар мустақиллигини кафолотлаш, мамлакатимизда профессионал судялар корпусини шакллантириш, суд тизимини етук ва малакали, одил судлов соҳасида катта тажрибага эга бўлган, қўли ва дили тоза судялар билан тўлдиришга имкон беради. Шу билан бир қаторда, суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият органлари таъсиридан халос бўлишига хизмат қиласди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси судялар олий кенгашининг роли ҳам катта аҳамиятга эга бўлиши назарда тутилмоқда. Олий судлов стандартларига доир ўз тавсиялари билан машҳур Венетсия комиссияси судяларни тайинлайдиган орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши зарурлигини эътироф этади. Шу мақсадда, ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, сиёсий қарашлардан холи ва бошқа ташки таъсиrlардан ҳимояланган орган сифатида Судялар Олий Кенгаши шакллантирилди. Кенгаш жами *йигирма бир нафар* кишидан иборат таркибда: судялар; хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар; фуқаролик жамияти институтлари вакиллари; хуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан акллантирилиши лозимлиги мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти уччала давлат ҳокимияти органларига нисбатан масофа сақлагани боис (Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси 89-моддаси) Кенгаш таркибини шакллантиришда муайян ваколатларга эга. Қонунчиликка кўра Кенгаш раиси Президент тавсияси ва Сенат тасдиғи асосида шакллантирилиши белгиланди. Навбатдаги ўзгартириш ва қўшимчалардан бири суд ҳокимиятининг икки олий органи – Олий суд ва Олий хўжалик судининг суд тизимини бошқаришдаги вазифаларини такрорланишига барҳам берувчи нормадир. Унинг мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб,

фуқаролик, жиной, маъмурий ва иқтисодий иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил қилиш мустаҳкамланди. Мазкур норма икки суд ўртасидаги хуқуқий ишларнинг тааллуқлилиги борасидаги тортишув ва зиддиятларга чек қўяди. Тегишли қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш юзасидан **ягона суд амалиётини** таъминланишига замин яратиб, инсон хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолотларини кучайтиради. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг навбатдагиси оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий хуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилишига доир бўлган нормадир. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси 110-моддада маъмурий суд ишларини юритишга доир бўлган масалани ўз мазмунида мустаҳкамлаган эди. Бироқ уларнинг тузилиши билан боғлиқ бўлган муносабат бироз оқсаётган эди. Маъмурий судларни тузиш масаласини жадаллаштиришган яна бир омил – жиноят қонуни нормаларини либераллаштириш сиёсати бўлиб ҳисобланади.

Қонунчиликда ўз ифодасини топган ўзгартириш ва қўшимчалардан яна бири бу – туманлараро иқтисодий судларнинг ташкил этилишидир. Фуқаролар ўртасидаги иқтисодий, фуқаровий, маъмурий ва бошқа хуқуқий низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилар эди. Бироқ ушбу тоифадаги низолар асосан вилоят хўжалик судларида биринчи ва апеллятсия босқичларида кўрилиши назарда тутилган эди. Хўжалик судларининг фақатгина вилоят даражасида мавжудлиги, уларнинг алоҳида туманлардан узоқ масофада эканлиги туманлараро иқтисодий судларни ташкил этиш заруратини келтириб чиқарди.

Навбатдаги ўзгартириш ва қўшимча мамлакатимизда "Хабеас корпус" институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида киритилган бўлиб, бу – прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгуматсия қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санксия бериш

бўйича ваколатларининг судларга ўтказилиши назарда тутилганлигидадир. “Ҳаракатлар стратегияси”дан келиб чиқиб, шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалардан бири, бу жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартилишидир. Шу билан бир қаторда, қамоққа олиш ва уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартилиши, қамоққа олиш ва уй қамоги чоралари қўлланилаётган шахснинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Инсон хуқуқ ва эркинликларини устивор эканлигини тасдиқловчи яна бир норма қўшимча терговнинг бекор қилиниши бўлиб ҳисобланади. Бу қоида конститутсиявий норма – айбиззлик презумпсиясининг мантиқий ривожланиши бўлиб, тортишув ва тарафлар тенглиги, ҳақиқатни англаш принциплари реал таъминланишига кафолат беради. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари институтининг ишончли кафолат этувчи муносабатлардан яна бири, бу – медиатсия – яраштириш институтини такомиллаштиришdir. Жисмоний ва юридик шахсларга ўзаро низоларни суддан ташқарида, муқобил ҳал этиш имконининг берилиши, авваламбор, фуқароларга низоларни қисқа муддатларда ечилишини, шунингдек, ортиқча маблағларнинг сарфланишига чек қўйилишини, турли оворагарчиликларни олдини олиниши каби имкониятларни беради. Бу вазиятдан кутиладиган натижа эса, тарафлар орасидаги ўзаро хурмат ва ишбилармонлик муносабатларини сақланиб қолиниши бўлиб ҳисобланади. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига оид муносабатлар қайси янги нормалар билан бойитилди? 2017 йил 9 январда “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади, маъмурий қамоқни ўташ тартиби билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат. Маъмурий қамоқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 29-моддасига мувофиқ 3 суткадан 15 суткагача бўлган муддатга, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса 30 суткагача муддатга

қўлланиши назарда тутилган. Маъмурий қамоққа олиш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21 та моддасида кўзда тутилган. Бироқ, шу пайтга қадар қонунда маъмурий қамоқ қўринишидаги жазони ўтайдиган жойлар ва уларнинг ҳукуқий мавқеи белгиланмаган эди. Қонун қабул қилингач, маъмурий қамоқни ўташ тартиби билан боғлиқ барча муносабатлар ҳукуқий жиҳатдан тартибга солинди. 2017-йилнинг 19 январида “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарорига асосан юридик хизмат нуфузи оширилди ва янги вазифалар билан тўлдирилди. Хусусан, юридик хизматга жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан хulosалар бериш; Раҳбариятга фаолиятида қонун устиворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисбот тақдим этиш; Низолар вужудга келганда уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўриш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган шикоятларнинг мажбурий тартибда юридик хизматлар томонидан ҳам кўриб чиқилишини белгиловчи ва бошқа масалаларда улар масъулиятини оширишга қаратилган янги функсиялар юкланди. Юридик хизмат ходимларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалаларини мажбурий тартибда адлия органлари билан келишиш ҳамда адлия органларига юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, юридик хизмат ходимларига нисбатан интизомий иш юритишни кўзғатиш ҳукуқини берувчи тартибларнинг жорий этилиши ҳар бир раҳбарнинг масъулиятини кучайтиради. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг дахлсиз ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловнинг амалдаги мустақиллигига эришиш амалга оширилаётган кенг қамровли

ислоҳотларнинг “Ислоҳот – инсон учун!” деган ҳаётий шиорнинг амалдаги ифодасидир. Бинобарин, ана шу туб янгиланишлар жамиятимизда қонун устиворлигини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоялашга хизмат қиласи.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
3. Сўз ва эътиқод эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг неchanчи моддасида кафолатланган?
4. Яшаш хуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий хуқуқи эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг неchanчи моддасида кафолатланган?
5. Фуқаролик жамияти институтларининг мажмуини яна қандай номлаш мумкин?
6. Судялар олий мактаби қандай органнинг ҳузурида ташкил этилди?

4 - Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг устувор йўналишлари.

Режа:

1. Ўзбекистон ижтимоий ривожланишининг устувор йўналишлари.
2. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари.
3. Ўзбекистон сиёсий ривожланишининг устувор йўналишлари.

Таянч тушунчалар: ривожланиш, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий ривожланиш, сиёсий ривожланиш.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш жамият барқарорлиги ва давлат

кудратини белгилайдиган муҳим маънавий-маърифий ва руҳий омиллардан бири ҳисобланади. Жумладан, аҳоли бандлиги қандайдир иш ёки хунар билан шуғулланиш даражаси конкрет фуқаронинг кундалик реал даромадлари билан уйғунлашиб кетган ижтимоий муаммодир. Бу Ҳаракатлар стратегиясида асосий масала сифатида *тўртинчи устувор йўналиши* сифатида белгиланган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигани ошириш жамият тараққиётида алоҳида мавқе касб этади. Ушбу масаланинг нақадар долзарблиги ва реал ҳаётий ҳақиқатга асосланганлигани назарда тутиб, Президент Ш.Мирзиёев арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникатсия ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш ҳамда уларни замон талаблари асосида модернизатсия қилиш ғоясини илгари сурмоқда. Бу бевосита меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган ногиронлар, пенсионерлар, ёш болалар, ёш болали оналарни ҳимоя қилиш, қишлоқ жойларида, олис шаҳар ва туманларда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар ҳамда малакали тиббий ходимлар билан таъминлашни долзарб вазифа қилиб қўйди. Кам таъминланган оиласарга алоҳида эътибор бериш, улар турмуш шароитини янада яхшилаш чораларини ҳар томонлама кўриш зарур бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда 2016 йилда сиёсий-хуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳалар билан бир қаторда, ижтимоий соҳада хам чуқур сифат ўзаришлари рўй берди. Истиқлол йилларида республикамизда ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар ҳажми 5 баробар қўпайтирилди. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларидаги вазифалар ижросига йўналтирилмоқда. Жамият ижтимоий соҳасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири таълим-тарбия соҳаси бўлиб, унинг ривожи сиёсий-хуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга бевосита таъсир этади ҳамда ижтимоий соҳалар меёрий моҳиятини

белгилаб беради. Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналишида мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чоратадбирларида туради. Мактабгача таълим сифатини юксалтириш - баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzасида таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва танқидий баҳолаш, уни такомиллаштириш масаласи ҳам алоҳида эътибор қаратди. Мавжуд муаммоларни амалий бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва унинг асосида дастур ишлаб чиқилди. Бугунги кунда таълим давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Давлат бюджетидан таълимга ажратилган маблағлар бюджет харажатлар қисмининг 33,7 фоизи даражасида режалаштирилиб таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ЯИМ таркибида 10-12 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчасида қурилиш, капитал реконструксия ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўқув масканларининг замонавий ўқув лаборатория, мебел жиҳозлари билан таъминлангани таълим сифати ва мазмунига юксак эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони - 60 та, ОТМ филиаллари - 11 та, хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари - 7 тани ташкил этади. Бугунги кунда олий укув юртларимизда 260 минг нафардан зиёд талаба ҳаётнинг узи талаб етаётган 850 дан ортиқ йўналиш ва мутахассисликлар бўйича билим олишмоқда. Биргина 2016

йилнинг ўзида олий таълим тизими ривожланишини янги босқичга олиб чиқишига қаратилган 10 дан ортиқ меериихуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш, олий таълим тизимини хорижий ўқув ва илмий адабиётлар билан таъминлашга қаратилган катор фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши ёшларимизнинг жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидағи таълим стандартларига тўла мос келган билимларни егаллашларига, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини оширишга хизмат қилмокда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонга мувофиқ илмий даражаларни бериш масаласи қайта кўриб чиқилди. Ёшлиларни қўллаб-қувватлаш масаласи Ҳаракатлар стратегиясида **«Ёшлиларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириши»** деб номланган алоҳида бандда акс эттирилди ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бирининг таркибида ўз ифодасини топди. Маълумки, 2016 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг 33 моддадан иборат **«Ёшлиларга оид давлат сиёсати тўғрисида»**ги УРҚ-406-сон Қонуни қабул қилинди. Қонунларни қабул қилиш масаланинг бир жиҳати бўлса, уларни амалга оширишга қаратилган чоратадбирларни кўриш унинг бошқа бир жиҳатидир. Шу ўринда **«ёшлиларга оид давлат сиёсати»** тушунчаси нимани англатишини билиб олишимиз лозим. **Ёшлиларга оид давлат сиёсати** деганда, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшлиларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чоратадбирлар тизими тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг **«Ёшлиларга оид давлат сиёсати тўғрисида»**ги

Қонуни 6-моддасининг л-қисмида «ёшларга оид давлат сиёсати давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин», деб белгилаб қўйилган. Ўша модданинг иккинчи қисмида «Давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-куватлаш, ёши футсароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши ва рўёбга читсаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, соглом ва баркамол ёши авлодни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади», дейилади.

Шу ўринда «ёшлар» тушунчасининг юридик мазмунига тўхталиб ўтайлик. Хўш, ёшлар деганда қонун хужжатлари кимни назарда тутади? «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, «ёшлар (ёши фуқаролар) - ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар»дир. Ёши оила деганда, эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила тушунилади. Ёши мутахассис деганда, олий ёки ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги хужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим тушунилади. Ёшлар тадбиркорлиги деганда эса, юридик шахе ташкил этмаган ҳолда ёши фуқаролар томонидан, шунингдек, таъсисчилари ёши фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. «Ёшларга оид давлат еиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Ана шундай йўналишлардан бири сифатида ёши оиласарни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоиймаиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш вазифаси белгиланган. Қонуннинг 9-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда

иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимиға таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, адлия органлари, мудофаа ишлари бўйича органлар кириши билан бир қаторда, бу борада бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун хужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкинлиги белгилаб берилган. Ўзбекистон Президентининг халқимиз ўртасида, айниқса ёшлар орасида китобхонлик анъанасини янада жонлантириш, китоб мутолаасига кенг эътибор қаратиш бўйича амалга ошираётган саъйҳаракатлари диққатга сазовордир. Ана шу йўлда 2017 йилнинг сентабр ойида ўқувчи ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаши мақсадида таълим муассасаларида «Мен севиб ўқиган китоб» ва «Энг яхши китобхон» танловлари ташкил этилди. Бундай тадбирлар воситасида ўқувчи ёшлар турли ёт ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилинади, уларнинг мафкуравий иммунитети мустаҳкамланади ҳамда жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришга ҳисса қўшилади. Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб килишга, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишлигини оширишга йўналтирилган уч босқичли спорт мусобақалари («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада») йўлга қўйилган. Мана шундай тадбирлардан Жиззах вилоятида 2017 йилнинг май ойида «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ўтказилди.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш.

Маълумки, иқтисодий ислоҳотлар жамият тараққиётининг мухим омили. Харакатлар стратегиясида ушбу масалага алоҳида эътибор берилиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш *учинчи устувор йўналиши* этиб белгиланди. Жумладан, макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш. Чунончи, Ўзбекистон ўтган 26 йил мобайнида узоқ йиллардан буён ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 8 % дан туширмаяпти. У дунёning

энг тез ривожланаётган давлатларининг биринчи бешталиги таркибида турибди. Ана шу тарихий ютуқни янада ривожлантириш ва иқтисодий қудратли давлат мақомини сақлаб қолиш Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мазмунидир. Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизатсия ва диверсификация қилиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, жаҳон бозорида мавқеи ва салмоғини ошириш чораларини кўришни илгари суради. Қишлоқ хўжалигини модернизатсия қилиш ва уни жадал ривожлантириш, бевосита дехқончиликни бошқаришнинг янги усул ва услубларини янгилашни, бу борадаги жаҳон тажрибасини ўзлаштиришни, амалиётда жорий этишни тақозо этади. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ҳусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, унинг устувор мавқеини янада ошириш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган институтсионал ва таркибий ислоҳотларни давом еттириш масаласи алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир фуқаронинг яратувчилик, бунёдкорлик қобилиятини ва яшаб турган жойидаги табиий шароитни ҳисобга олиб, тадбиркорликнинг янги шакл ва усулларини жорий этишни тақозо этмоқда. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланиш, Ҳаракатлар стратетаясидан келиб чиқадиган муҳим вазифадир. Бунда ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарнинг табиий-географик имкониятлари, ер ва сув шароити, аҳолининг турмуш тарзи, эҳтиёжлари, ижтимоий муаммолари ва психологиясидан келиб чиқиб, дехқончилик, чорвачилик, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни, уларга мос шаклларни, усулларини жорий этиш зарур. Ана шунда ҳар бир фуқаро ўз қобилияти, дунёқарashi ва турмуш эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўз яратувчилик қобилиятини ривожлантиради. Натижада бутун мамлакат аҳолиси орасида ялпи сафарбарлик, яратувчилик рухияти кучаяди. Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари қуйидаги вазифаларни

ташкил этади:

1. *Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаши ва юқори иқтисодий ўсиши суръатларини сақлаб қолиши:*

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш; солик юкини камайтириш ва солиқка тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгай-тириш; халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

2. *Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириши, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизатсия ва диверсификатсия қилиши ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириши:*

миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини кўпайтириш; ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникатсия ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвеститсия сиёсатини олиб бориш;

- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош мухитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш; фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш; - экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини

кенгайтириш ва сафарбар этиш;

3. Қишлоқ хўжалигини модернизатсия қилиши ва жадал ривожлантириши:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш; - пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш; - фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, Тайёрлаш, сақлаш, сотиш, курилиш ишлари ва хизматлар кўрса-тиш билан шуғулланаётган қўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш;

4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириши, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиши ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини разбатлантиришига қаратилган институтсионал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириши:

- хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя килишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат хам бой ва кучли бўлади», деган тамойилни амалга ошириш; - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш; - давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган обектлар базасида хусусий тадбиркорликни

ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; инвеститсия мұхитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвеститсияларни фаол жалб қилиш;

5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиши:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир худуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш; янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашма-ларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш; саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенсияга карам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши “*Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириши*” деб номланади. Ушбу йўналишда қўйидаги стратегик вазифалар белгиланди:

1. Демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизатсия қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларининг ролини янада кучайтириш.
2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш.
3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш.

Мустақиллик йилларида Конститутсия ва қонунларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари, Сенатнинг ва Қонунчилик палатасининг алоҳида ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг мустақил ва демократик тамойиллар асосида кечишини

таъминлай оладиган даражада белгиланди. Мамлакатимизда Парламент ислоҳотларини янада чуқурлаштириш натижасида икки палатали парламент ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимияти хуқуқий давлат талабларига жавоб берадиган даражада фаолият юрита бошлади. Ҳаракатлар стратегиясида «давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш»га дойр стратегик вазифа қўйилди. Шу мақсадда, Ҳаракатлар дастурида Олий Мажлиснинг ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосан бошқа ҳокимият тармоқлари билан мувозанатни ва ўзаро бир-бирини тийиб туришни таъминлаш, унинг давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш мақсадида **«Парламент назорати тўғрисида»**³⁶ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»³⁷ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқилди, лойиҳада Олий Мажлис Конунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси томонидан парламент назорати вакли сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чоралар қўриш, Олий Мажлиснинг тадбиркорлик субектлари хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни парламент назорати субекти сифатида белгиланди 37. Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган - «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида ҳудудлардан сайланган депутатва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлади. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши бўйича мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши тизимини янада

такомиллаштириш мақсадида яна бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган:

- 1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining тадбиркорлик субектлари хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;**
- 2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Инсон хуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;**
- 3. Аҳолининг сенаторлар ва депутатлар билан ўзаро муносабатларини, Олий Мажлиснинг халқ биланмулоқотини такомиллаштириш мақсадида «Электрон парламент» тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилишга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаш;**
- 4. Сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилинишидаги хуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 32-моддаси мамлакат ҳаётида фуқаролик жамияти институтларинингролини оширишга қаратилган муҳим қоида билан тўлдирилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди. Шундан келиб чиқсан ҳолда Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки давлат томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласининг стратегик вазифа сифатида илгари сурилиши**

жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. 2016 йил 11 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуни кучга кирган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 24-сон. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартидир. Фуқаролик жамияти институтларидан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳалладир. Юртимида азал-азалдан маҳалла тарбия ўчғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачигидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Ҳозирги кунда юртимида 10 мингга яқин фуқаролар йигинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллукли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Амалга оширилган кенг кўламли ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшashi бўлмаган тузилмага айланди. 2017-йилнинг 8 ойи давомида Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши асосида замонавий талабларни инобатга олган ҳолда, 16 та вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тузилмаси, вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилди, 20 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши “*Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш*” деб номланади. Бундан минг йил муқаддам улуғ бобомиз Абу Наср Форобий: “*Қонунлари кучли давлат қудратли бўлади. Қонунлари мукаммал шаҳар мукаммал шаҳардир*”, - деган эди. Дарҳақиқат, ҳақиқий эркинлик, эркин ва озод фаолият амалдаги қонунлар доирасидаги фаолиятдир. Бошқача қилиб

айтганда, ҳақиқий демократия - қонунлар диктатураси. Ана шундагина қонун устуворлигига эришилади ва барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланади. Ҳар қандай давлатнинг мустаҳкамлиги, унинг адолатли ва қатъиятли сиёсати, ижтимоий адолатни, ҳақиқатни, фуқаролар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар асосида қўрилади. Айни қонун доирасидаги эркинлик, қонун доирасидаги эркин фаолият ишлаб чиқариш маданиятини ҳам, турмуш турзи маънавий меёrlарини ҳам давлат бошқаруви тамойилларини ҳам қадриятга айлантиради. Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингунига қадар, унинг муҳокамаси даврида ва қабул қилинганидан сўнг суд-хуқуқ тизими билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Дастреб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон; 2016 йил 20 сентябрда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 9 январда “Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон; 2017 йил 29 марта “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 29 марта “Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 6 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг конститутсиясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун (80, 81, 83, 93, 107, 110, 111, 112); 2017 йил 12 апрелда “Ўзбекистон Республикаси судялар олий кенгashi тўғрисида”ги Қонун; 2017 йил 12 апрелда «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик протсессуал ва Хўжалик протсессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги

Қонунлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга асосан бу йўналишда қатор ислоҳатлар амалга оширилди. Инсон ҳимоячиси ҳисобланган суд органларининг чинакам мустақиллигини таъминловчи дастлабки қўйилган қадам судяларни *алмаштириб бўлмаслик принсипининг* мустаҳкамланиши бўлди. Судя лавозимида бўлишнинг илк маротаба *беш ишлик, кейин ўн ишлик муддатини, сўнг муддатсиз* даврини белгилашга оид нормалар киритилди. Судларнинг мустақиллигига бағишлиланган Европада нуфузли ҳужжат саналувчи Судяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги 12-Тавсияларга асосан, судялар мустақиллигининг муҳим тамойилларидан бири, бу уларни *алмаштириб бўлмаслик принсиpidир*. Мазкур ҳужжат мазмунига кўра, судя пенсияга чиққунга қадар ваколат муддати кафолотланган бўлиши назарда тутилган. Судяни лавозимига доимий тайинлаш, фақат у интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортилганда ёхуд ўз судялик вазифаларини бажара олмай қолганда тугатилиши мумкин. Муддатидан олдин пенсияга чиқиш фақат судянинг илтимосига ёки тиббий асосларга кўра йўл қўйилиши белгиланди. Олий суднинг судялари учун судялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши 70 ёшни, бошқа судларнинг судялари учун 65 ёшни ташкил этади. Ушбу киритилган нормалар судялар мустақиллигини кафолотлаш, мамлакатимизда профессионал судялар корпусини шакллантириш, суд тизимини етук ва малакали, одил судлов соҳасида катта тажрибага эга бўлган, қўли ва дили тоза судялар билан тўлдиришга имкон беради. Шу билан бир қаторда, суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият органлари таъсиридан халос бўлишига хизмат қиласди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси судялар олий кенгашининг роли ҳам катта аҳамиятга эга бўлиши назарда тутилмоқда. Олий судлов стандартларига доир ўз тавсиялари билан машҳур Венеция комиссияси судяларни тайинлайдиган орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши зарурлигини эътироф этади. Шу мақсадда, ҳокимиятлар ўртасидаги

мувозанатни таъминлаш, сиёсий қарашлардан холи ва бошқа ташқи таъсиrlардан ҳимояланган орган сифатида Судялар Олий Кенгаши шакллантирилди. Кенгаш жами *йигирма бир нафар* кишидан иборат таркибда: судялар; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар; фуқаролик жамияти институтлари вакиллари; ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилиши лозимлиги мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти уччала давлат ҳокимияти органларига нисбатан масофа сақлагани боис (Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси 89-моддаси) Кенгаш таркибини шакллантиришда муайян ваколатларга эга. Қонунчиликка кўра Кенгаш раиси Президент тавсияси ва Сенат тасдиғи асосида шакллантирилиши белгиланди.

Навбатдаги ўзгартириш ва қўшимчалардан бири суд ҳокимиятининг икки олий органи – Олий суд ва Олий хўжалик судининг суд тизимини бошқаришдаги вазифаларини такрорланишига барҳам берувчи нормадир. Унинг мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил қилиш мустаҳкамланди. Мазкур норма икки суд ўртасидаги ҳуқуқий ишларнинг тааллуқлилиги борасидаги тортишув ва зиддиятларга чек қўяди. Тегишли қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш юзасидан *ягона суд амалиётини* таъминланишига замин яратиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолотларини кучайтиради. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг навбатдагиси оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилишига доир бўлган нормадир. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси 110-моддада маъмурий суд ишларини юритишга доир бўлган масалани ўз мазмунида мустаҳкамлаган эди. Бироқ уларнинг

тузилиши билан боғлиқ бўлган муносабат бироз оқсаётган эди. Маъмурий судларни тузиш масаласини жадаллаштиришган яна бир омил – жиноят қонуни нормаларини либераллаштириш сиёсати бўлиб ҳисобланади. Қонунчиликда ўз ифодасини топган ўзгартириш ва қўшимчалардан яна бири бу – туманлараро иқтисодий судларнинг ташкил этилишидир. Фуқаролар ўртасидаги иқтисодий, фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилар эди. Бироқ ушбу тоифадаги низолар асосан вилоят хўжалик судларида биринчи ва апеллятсия босқичларида кўрилиши назарда тутилган эди. Хўжалик судларининг фақатгина вилоят даражасида мавжудлиги, уларнинг алоҳида туманлардан узоқ масофада эканлиги туманлараро иқтисодий судларни ташкил этиш заруратини келтириб чиқарди. Навбатдаги ўзгартириш ва қўшимча мамлакатимизда "Хабеас корпус" институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида киритилган бўлиб, бу – прокурорларнинг почателеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экслуматсия қилиш каби тергов ҳаракатларини ўtkазишга санкция бериш бўйича ваколатларининг судларга ўтказилиши назарда утилганлигидадир. "Ҳаракатлар стратегияси"дан келиб чиқиб, шахсларнинг ҳуқуқ ва рқинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалардан бири, бу жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартилишидир. Шу билан бир қаторда, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартилиши, қамоққа олиш ва уй қамоғи чоралари қўлланилаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устивор эканлигини тасдиқловчи яна бир норма қўшимча терговнинг бекор қилиниши бўлиб ҳисобланади. Бу қоида конститутсиявий норма – айбиззлик презумпциясининг мантиқий ривожланиши бўлиб, тортишув ва тарафлар тенглиги, ҳақиқатни англаш принциплари реал таъминланишига кафолат беради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари институтининг ишончли

кафолат этувчи муносабатлардан яна бири, бу – медиация – яраштириш институтини такомиллаштиришdir. Жисмоний ва юридик шахсларга ўзаро низоларни суддан ташқарида, муқобил ҳал этиш имконининг берилиши, авваламбор, фуқароларга низоларни қисқа муддатларда ечилишини, шунингдек, ортиқча маблағларнинг сарфланишига чек қўйилишини, турли оворагарчиликларни олдини олиниши каби имкониятларни беради. Бу вазиятдан кутиладиган натижа эса, тарафлар орасидаги ўзаро хурмат ва ишбилармонлик муносабатларини сақланиб қолиниши бўлиб ҳисобланади. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига оид муносабатлар қайси янги нормалар билан бойитилди? 2017 йил 9 январда “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади, маъмурий қамоқни ўташ тартиби билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат. Маъмурий қамоқ маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 29-моддасига мувофиқ 3 сутқадан 15 суткагача бўлган муддатга, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса 30 суткагача муддатга қўлланиши назарда тутилган. Маъмурий қамоққа олиш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21 та моддасида кўзда тутилган. Бироқ, шу пайтга қадар қонунда маъмурий қамоқ қўринишидаги жазони ўтайдиган жойлар ва уларнинг хуқуқий мавқеи белгиланмаган эди. Қонун қабул қилингач, маъмурий қамоқни ўташ тартиби билан боғлиқ барча муносабатлар хуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. 2017-йилнинг 19 январида “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарорига асосан юридик хизмат нуфузи оширилди ва янги вазифалар билан тўлдирилди.

Хусусан, юридик хизматга жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан хulosалар бериш;

Раҳбариятга фаолиятида қонун устиворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисбот тақдим этиш;

Низолар вужудга келганда уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўриш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган шикоятларнинг мажбурий тартибда юридик хизматлар томонидан ҳам кўриб чиқилишини белгиловчи ва бошқа масалаларда улар масъулиятини оширишга қаратилган янги функсиялар юкланди.

Юридик хизмат ходимларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалаларини мажбурий тартибда адлия органлари билан келишиш ҳамда адлия органларига юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, юридик хизмат ходимларига нисбатан интизомий иш юритишни қўзғатиш ҳуқуқини берувчи тартибларнинг жорий этилиши ҳар бир раҳбарнинг масъулиятини қучайтиради. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловнинг амалдаги мустақиллигига эришиш амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг “Ислоҳот – инсон учун!” деган ҳаётий шиорнинг амалдаги ифодасидир. Бинобарин, ана шу туб янгиланишлар жамиятимизда қонун устиворлигини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоялашга хизмат қиласди.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ти қонуни қачон қабул қилинган?
2. Сўз ва эътиқод эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг неchanчи моддасида кафолатланган?
3. Яшаш ҳуқуки ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуки эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг неchanчи моддасида кафолатланган?

5-Мавзу: “Буюк келажак дастури”нинг мазмун-моҳияти.

Режа:

1. “Буюк келажак дастури”нинг қабул қилинишидан мақсад.
2. “Буюк келажак дастури” нинг мазмун-моҳияти.
3. Дастурда белгиланган мақсад вазифаларнинг амалиётга жориш қилиниши.

Таянч тушунчалар: Буюк келажак дастури, Ҳаракатлар стратегияси, ривожланиш, стратегия, концепция, инновацион ривожланиш.

Тошкентда Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Уни «Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти KPMG аудитор-консалтинг компанияси билан биргаликда ишлаб чиқди.

Тақдимот маросимида Президент Администраторияси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, «Тараққиёт стратегияси» маркази, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, «Буюк келажак» ташкилоти эксперталар кенгаши аъзолари иштирок этди, дея хабар беради ЎЗА.

Стратегиядан мақсад мамлакатимизни дунёнинг иқтисодиёти ривожланган 50 давлати қаторига киритишидир. Концепция лойиҳаси давлат бошқарувини ислоҳ этиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, инноватсия ва технологияларни қўллаб-куватлаш каби асосий йўналишлардан иборат.

Янги стратегия келаси 17 йилга мўлжалланган бўлиб, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришишни назарда тутади.

Лойиҳанинг давлат бошқарувини ислоҳ қилиш йўналишида қонунчилик базасини такомиллаштириш, суд тизимини ислоҳ этишни давом эттириш, аҳоли сиёсий маданиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва давлат бошқаруви институтларини такомиллаштириш вазифалари белгиланган. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг халқаро

индекслардаги ўрнини юксалтиришга имкон бериши лозим.

Иқтисодиётда саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қишлоқ хўжалигини равнақ топтириш режалаштирилмоқда. Тадбиркорда ташаббускорликни кучайтириш, молиявий ресурслар билан таъминлаш каби омилларга алоҳида эътибор қаратилади. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобига 2035 йилга бориб мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 479 млрд долларга етказилиши кутилмоқда.

Ижтимоий соҳада таълим тизими ва меҳнат бозори ҳисобига инсон капиталини ривожлантириш, илғор фикрлайдиган янги авлодни шакллантиришга эътибор қаратиш таклиф қилинган. Аҳолининг барча қатламларини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш масалалари ўз ечимини топади. Илм-фан ва инноватсия фаолияти ривожлантирилади.

Устувор мақсадлар сирасида атроф-муҳитни асраш, мамлакатнинг миллий брендини халқаро миқёсда оммалаштириш ҳам тилга олинган.

Лойиҳа аҳолининг кенг қатламлари, вазирлик ва идоралар, эксперт-таҳлилий доиралар ўргасида, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилинади.

«BUYUK KELAJAK» халқаро нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг хорижда яшаётган юртдошларимизни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдор бўлишларига қилинган даъватларига жавоб бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишни қўллаб-куватлаш бўйича кўмаклашмоқчи бўлган барчанинг саъи-ҳаракатларини бирлаштириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш мақсадида 2018 йилнинг апрел ойида «BUYUK KELAJAK» ХНHT ташкил этилган эди. «BUYUK KELAJAK» ХНHT фаолиятининг модели илғор халқаро тажриба, Ўзбекистон бозорларини холисона таҳлил қилиш, энг асосийси, етакчи дунё мутахассисларининг шахсий тажрибаси негизида қурилган. Хорижда яшаётган ва таҳсил олаётган, ўз касбий фаолиятини Ўзбекистон

Республикасида амалга ошириб келаётган келиб чиқиши Ўзбекистонлик бўлган – турли соҳаларнинг етакчи мутахассисларидан иборат Эксперт кенгashi «BUYUK KELAJAK» XНHT асосий интеллектуал салоҳияти ва активи ҳисобланади. Бугунги кунда Эксперт кенгashi 20 тадан зиёд мамлакатларда, шу жумладан Россия, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Белгия, Канада, Дания, Швейцария, БАА, Саудия Арабистони, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Японию, Туркий, Қозогистон, Финляндия ва бошқа давлатларда яшаб келаётган 190 дан қўпроқ мутахассис-юртдошларимизни ўзида бирлаштирган. «BUYUK KELAJAK» XНHT ўз мақсадларига эришиш учун ушбу босқичда қўйидаги вазифаларни амалга оширади: халқаро ташкилотлар ва эксперtlар, фуқаролик жамиятлар ва институтларнинг тажрибасини ўрганиш асосида, хорижда ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб келаётган юртдошларимизнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача бўлган узоқ муддатли ривожланиш моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига қўмаклашиш; аниқ ташаббуслар ҳамда қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича тавсияларни кўрсатган ҳолда, татбиқ этиш босқичларига бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача бўлган узоқ муддатли ривожланиш моделининг стратегиясини жорий этиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш. турмуш даражасини оширишга, инсон капиталининг сифатини яхшилашга, узоқ муддатли инвестициялар бозорини ривожлантиришга ва давлат ҳокимияти институтларини ислоҳ қилишга урғу берган ҳолда, «BUYUK KELAJAK» XНHT 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларга экспертли қўллаб-куватлашни ҳам кўрсатиб келади.

"Буюк Келажак" эксперти Нур Партиев Ўзбекистонда икки фуқароликни жорий этиши таклифи билан чиқди. Унинг бу ҳақдаги мақоласи ЎЗА томонидан эълон қилинди. Қуйида мақола тўлиқ ҳолда келтирилади.

Ўзбекистон ташқарисида жуда кўп ўзбекистонликлар истиқомат қилади. Уларнинг катта қисми хорижда доимий яшайди ва яшаётган давлатининг фуқаролигини олишган. Ватанимиздаги ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар, табиийки, хориждаги ўзбекистонликларнинг ҳам диққат марказида. Ёнларида бошқа давлатнинг паспорти бўлса-да, улар Ўзбекистон паспортини асрabbavайлашади. Улар учун истаган пайтда оиласи ва қариндош уруғлари яшаётган мамлакатга бемалол, ҳеч қандай тақиқсиз бориб-келиши муҳим масала. Ҳукумат эса хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар туғилиб-ўсган юртига эмин-еркин келиб-кетишлари учун имкониятлар яратяпти. Жорий йилнинг 17 апрел куни ҳукумат томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш, кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча прописка қилиш» тартиби тўғрисидаги низом яратилаётгани ана шундай имкониятлардан бири. Ўзбекистонга бугун янги технологиялар, инвеститсиялар, ғоялар керак. АҚШ, Голландия, Германия, Австралия ва бошқа илфор давлатлар фуқаролигини олган, ўз бизнесига эга бўлаётган ўзбеклар бугун Ўзбекистонга тўсиқларсиз, қофозбозликларсиз бориб, ўша ерда ҳам мамлакат ривожи учун далда бўладиган лойиҳаларини амалга оширишлари керак. Агар Ўзбекистон ҳукумати икки фуқароликка рухсат берса, бошқа давлат фуқаролигини олган кўплаб ўзбекистонликлар мамлакат иқтисодига, ривожига катта хисса қўша олади. Хорижда яшаб, ўша ерда ўзини тиклаб олиб, бизнесини яратган, ўзи ва яқинлари учун тўкин-сочин ҳаёт ва осуда шароит яратиб, бир неча юз одамни иш билан таъминлаган ватандошлар оз эмас. Шундай бўлса ҳам, уларнинг ўй-хаёллари ватанда. Улар Ўзбекистонда ҳам ўз бизнесларини очишни, инсонларга фаровонлик келтиришни ўйлаб яшашади. Бунинг учун эса шунга яраша қонунлар ва қарорлар қабул қилиниши айни муддао. Икки фуқаролик – бугун хорижда яшаётган жуда кўп ўзбекистонликлар учун долзарб мавзу. Маълумотларга кўра, ҳозиргача АҚШнинг “Греен сард” дастури ғолиби сифатида бу мамлакатга 100 мингдан зиёд ўзбекистонликлар кириб келган. Уларнинг

орасида АҚШ фуқаролигини олганлар йилдан йилга қўпайиб бормоқда. АҚШга қўши Канадада ҳам минглаб ўзбекистонликлар “канадалик” бўлиб улгуришган. Европа мамлакатлари, Россия, Австралияда ҳам маҳаллий фуқароликни олиб, нафақа ёшига қараб кетаётган ўзбекистонликлар кўп. Айни пайтда улар ўз тарихий ватани бўлган Ўзбекистон фуқаролигидан воз кечиши тасаввур ҳам қила олмайди. Улар нафақага чиққач, Ўзбекистонга қайтиб бориб, ўзи туғилиб-ўсган жойларда умргузаронлик қилишни орзу қилишади.

Икки фуқаролик Ўзбекистонга нима беради? АҚШ, Канада ва бошқа мамлакатларда нафақага чиққан ўзбекистонликларда икки фуқаролик бўлса, улар Ўзбекистонга нима беради дерсиз? Гап шундаки, АҚШ, Канада каби тараққий этган мамлакатлар фуқароларининг нафақасини, улар қайси мамлакатда бўлса, ўша давлатга етказиб беради. Ривожланган мамлакатлар фуқаролигини олган кўплаб муҳожирлар ўша мамлакатда нафақага чиқади. Уларнинг аксарияти нафақага чиққач, ўзи туғилиб-ўсган юртга чиқиб кетади. Улар ўз нафақаларини ватанида олиб, ўша ерда сарфлашади. Ана энди тасаввур қилинг, чет элларда яшаб, ўша давлат фуқаролигини олган ўзбекистонликлар юритга қайтиб, чет элдаги нафақасини Ўзбекистон банклари орқали олиб турса, мамлакат иқтисодига қанчалик далда бўлади?! Ривожланган мамлакатлардаги нафақа миқдори эса, ишонинг, кам эмас...Хорижда нафақага чиққан ўзбекистонликларни ватанга бемалол бориб келишлари учун Ўзбекистон ҳукумати шароит яратса, фойдадан холи бўлмайди.

Бугун тарих такрорланмоқда

Ўзбекистон ўзининг тарихий-меъморий обидалари, ажойиб иқлими ва географик жойлашуви билан дунёдаги ривожланган мамлакатлар диққатини тортмоқда. Асрлар мобайнида бу юрт Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини сифатида илм ва савдо аҳлининг, турли саркарда-ю буюк уламоларнинг қадами етган маскан бўлган. Бугун тарих яна такрорланмоқда. Дунё аҳли мафтункор сайёхлик йўналишига айланиб бораётган мамлакатни айни пайтда

жаҳон илмий, маданий ва тарихий йўналишлари туташган энг жозибали нуқта деб аташмоқда. Шундай экан, мамлакатда икки фуқароликка йўл очилса, унинг хориждаги ижобий имижи янада ошади, мамлакатга келаётган туристлар оқими янада кўпаяди ва бу сайёҳларнинг катта қисмини хорижда яшаётган ўзбекистонликларнинг ўзи ташкил қиласи. Чет элда доимий яшаётган ўзбекистонликлар ҳисобига ҳар йили туристик сармоянинг мўътадил оқими кириб келади. Сармояси бор ўзбекистонлик ватанига боргач, нима қиласи? Албатта, у биринчи навбатда чиройли уй-жой қиласи, яқинларининг яшаш шароитини яхшилайди, автомобил олади, савдо-сотиқни йўлга қўяди, ўзи ва яқинларининг фарзандлари илм олишини кафолатлайди. Бундан ташқари, икки фуқаролик берилиши орқали янги солик турини йўлга қўйиш мумкин.

“Ўлсам, ўз ватанимга олиб бориб қўминглар”

Баъзилар икки фуқароликка рухсат берилиши Марказий Осиёдаги геосиёсий вазиятга салбий таъсир қиласи, деб ўйлаши мумкин, бироқ АҚШ, Франсия, Швейцария каби илғор ва ривожланган давлатлар тажрибаси бундай хавотирларнинг асоссиз эканини кўрсатмоқда. Исроил тажрибасига кўра эса, икки фуқароликка эга ватандошлар қаерда бўлмасин, тарихий ватани фойдасини ўйлаб иш қиласи, иккинчи ватанда юқори мартабаларга эришиб ҳам Исроил манфаатларини унутмайди.

Ўзбеклар азалдан юртини, туғилган ерини қадрлайди. “Ўлсам, ўз Ватанимга олиб бориб қўминглар”, дейишади хорижда ҳам. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Буюк келажак” эксперталар гуруҳининг аъзоси сифатида икки фуқаролик ҳақидаги ушбу таклифни ўртага ташлар эканман, таклифим Ўзбекистон тараққиётига ҳар томонлама фойда келтиришига аминман. Нур Парпиев, "Буюк Келажак" эксперти.

Маълумот учун: Нур Парпиев 1988 йилда Қирғизистонда туғилган. 2014 – 2018 й.й. Колумбия округи Университетида бизнес-менежмент ва молия йўналишида, 2011 – 2013 й.й. Монтгомери коллежида халқаро бизнес йўналишида таълим олган.

Назорат учун саволлар

1. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қачон қабул қилинган?
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси иккинчи устувор йўналиши қайси?
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси учинчи устувор йўналиши қайси?
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўртинчи устувор йўналиши қайси?

6-Мавзу: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, концептуал ғояси – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси.

Режа:

1. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” ғоясининг мазмун моҳияти.
2. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти.
3. “Янги Ўзбекистон-янгича дунёқарааш” ғояси остида тарғибот тадбирларининг ўтказилиши.

Таянч тушунчалар: инсон, манфаат, ислоҳот, дунёқарааш, Ҳаракатлар стратегияси, ривожланиш, стратегия, концепция, инновацион ривожланиш.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад —

инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда”, дея инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш кераклигига алоҳида ургу берган эди.

Давлат тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш, жамиятда барқарорликни, ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим шарти бўлган мазкур вазифани амалга оширишда парламент вакилларининг ҳам иштироки ҳамда фаоллиги яққол намоён бўляяпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, ҳақиқий аҳволни ўрганмоқдалар, аҳолининг ҳақли талабистакларидан келиб чиқсан ҳолда, долзарб ижтимоий-иктисодий масалаларнинг тўғри ечимини таъминлашаётир.

Ана шу эзгу мақсад йўлида парламент аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлари Андижон вилоятининг Балиқчи туманида ҳам бўлиб, халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, инсон манфаатлари устуворлигини кафолатлашга қаратилган ҳуқуқий хужжатларнинг ижроси юзасидан ўрганишлар олиб борди. Халқ депутатлари Балиқчи тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида ушбу ўрганишлар натижалари қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ишчи гуруҳлари ҳудуддаги 900 га яқин хонадонларга, қарийб элликта маҳалла фуқаролар йиғинларига, давлат идоралари ва ўттиздан ошиқ ижтимоий соҳа обьектларига ташриф буюрди.

Оилаларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишиш давомида фуқаролар томонидан кўтарилган 500 дан зиёд муаммо ҳамда масалаларнинг 60 таси жойида ҳал қилинди. Қолганларини кечиктирмасдан, қонуний тартибда кўриб чиқиши мутасаддилар зиммасидаги асосий вазифа қилиб белгиланди. Вилоят даражасидаги 38 та, республика даражасидаги 8 та масала юзасидан депутатлик ва сенаторлик сўровлари тайёрланди.

Маълум бўлишича, Балиқчи тумани аҳолисини кўпроқ уй-жой, коммунал, транспорт ва йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш, доимий ишга

жойлашиш, пенсия ҳамда нафақа -таъминоти, банк-кредит соҳалари билан боғлиқ муаммолар ўйлантирмоқда.

Ишчи гурухлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан атрофлича қизиқдилар. Кузатишлар натижасида тумандаги 22 та фойдаланилмай турган бино-иншоот ва улар жойлашган 6,6 гектар ер майдонидан унумли фойдаланиш, уларни “ноль” харид қийматида тадбиркорларга бериш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Юридик шахсларнинг солиқдан боқиманда қарздорлиги масаласи ҳам тез фурсатда ўз ечимини топмоғи керак. Зеро, бу рақам 2017 йилнинг 1 июнь ҳолатига қўра, қарийб 13 миллиард сўмни ташкил этаётир. Қарздорликнинг асосий қисми “Чинобод пахта тозалаш” АЖга, “Балиқчи пилла” МЧЖга ва қатор фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, солиқ инспекцияси ва иқтисодий соҳа ташкилотлари ходимлари томонидан солиқقا тортиш бўйича аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида етарлича мулоқот ва тарғибот ишлари олиб борилмаётганидан далолат беради.

Транспорт, йўл курилиши борасида қилинаётган ишларни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Мисол учун, ҳудудда 63 километрдан иборат пиёдалар йўлакчasi мавжуд, шундан 16 километри таъмирталаб. 89 та бекатдан 45 тасини қайта барпо этиш лозим. 4 та кўприқда таъмирлаш ишларини бажариш, 45 километр йўлни қайта қуриш зарур. Айнан шу масалалар бўйича туман ва вилоят Халқ қабулхоналарига фуқаролар томонидан ўндан зиёд аризалар келиб тушган.

Йиғилиш иштирокчилари ҳудудда савдо хизмати кўрсатиш, тиббиёт, таълим муассасалари ишини, электр энергияси, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкати, ободонлаштириш соҳаларида масъулиятсизлик, сансалорлик каби иллатларга тўла барҳам бериш учун масъул идора ҳамда ташкилотларнинг, корхоналарнинг раҳбар ва мансабдор шахслари бутунги кун талабини чукур ҳис этмоғи, инсон манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўймоғи кераклигини таъкидладилар.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда Халқ қабулхоналари давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотларни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, мурожаатларнинг қонуний ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлашда самарали механизмга айлангани “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил амалиётга изчил татбиқ этилаётганидан далолат беради. Хўш, жойларда Халқ қабулхоналари қандай фаолият олиб бораётпти? Муаммо ва камчилар юзасидан мурожаат этаётган юртдошларимиз инсон манфаатлари йўлида хизмат қилаётган бундай қабулхоналар кўмагидан мамнунми? Юқоридаги саволлар билан Чирчик шаҳар Халқ қабулхонаси мудири Жасур Хўжаёровга мурожаат қилдик.

— Президентимизнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида фаолият юритаётган Халқ қабулхоналари аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимини таъминлашга хизмат қилмоқда. Чирчик шаҳар Халқ қабулхонаси фаолияти мисолида оладиган бўлсак, 2018 йил давомида 1778 та мурожаат келиб тушди. Улардан 1237 таси қаноатлантирилди. Қолган қисми эса ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга юборилди. Ушбу мурожаатларни таҳлил қиласидан бўлсак, улардан 246 таси ички ишлар фаолияти, 248 таси уй-жой ва ер билан таъминлаш, 35 таси пенсия ва нафака таъминоти, 185 таси иш билан таъминлаш, 189 таси газ, электр, сув, иссиқлик таъминоти, 95 таси прокуратура фаолиятига оид, 61 таси суд масалалари, 39 таси моддий ёрдам ажратиш, 16 таси банк-молия масалалари, 16 таси кредит олиш, 72 таси соғлиқни сақлаш, 31 таси мактаб таълими, 22 таси коммунал тўловларни

хисоблашда юзага келган муаммолар, 43 таси суд ижросига доир, 19 таси солиқ тўловлари, 25 таси тадбиркорлар хукуқларининг бузилиши, 32 таси алимент масаласи, 14 таси қурилиш соҳаси, 5 таси йўл қурилиши, 12 таси транспорт хизмати ва 339 таси бошқа масалаларни ташкил қилади. Шу ўринда, юридик ва жисмоний шахсларнинг муаммолари қандай ҳал этилгани хусусида ҳам тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Мана, бир мисол: “Ипотека-банк” АТИБнинг Тошкент вилояти филиали билан Б.Бакиев раҳбарлик қилаётган “Ал-Бекзод” хусусий корхонаси ўртасида кредит ажратиш бўйича шартнома имзоланган. Лекин шунга қарамасдан, банк филиали кредит ажратишни пайсалга солиб келган. Б.Бакиевнинг мурожаатидан сўнг Чирчик шаҳар Халқ қабулхонаси аралашуви билан ушбу масала ижобий ечим топди. “Ипотека-банк” АТИБнинг Тошкент вилояти филиали тузилган кредит шартномаси бўйича асбоб-анжомлар сотиб олиш учун 224 377 113 сўм миқдоридаги маблағ “Ал-Бекзод” хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминлади.

Чирчик шаҳрида истиқомат қилаётган Дилафуз Муҳамедова эса “Бировнинг ҳожатини чиқарай” деб, алданиб қолади. Унинг 3 миллион сўм пулини олган Сардор Қундузов турли баҳоналар билан қарзни қайтаришни ортга суриб келаверган. Д.Муҳамедова ушбу ҳолат юзасидан Чирчик шаҳар Халқ қабулхонасига мурожаат қилди. Шаҳар ички ишлар бўлими ва жиноят ишлари бўйича Чирчик шаҳар суди ходимларининг саъй-ҳаракати билан 3 миллион сўм эгасига қайтарилди. Фирибгар тегишли жазосини олди. Халқ ичига кириб бориш, камчиликларни ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш орқали фуқароларнинг ишончини қозониш мақсадида Чирчик шаҳар Халқ қабулхонаси ва шаҳар сектор раҳбарлари ҳамкорлигига 2018 йил давомида 80 марта сайёр қабул ташкил этилиб, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлардан 434 таси қаноатлантирилган, 353 таси юзасидан хукуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди, 404 таси сектор раҳбарлари томонидан ижрога қаратилди. Чирчик шаҳар раҳбарияти, жумладан, шаҳар ҳокими, прокурор, ИИБ бошлиғи ва бошқа идоралар раҳбарлари томонидан ҳам

мунтазам фуқаролар қабуллари ташкил қилиниб, аниқланган муаммо ва камчиликлар бартараф этиб келинмоқда. Мансабдор шахслар томонидан мурожаатлар билан ишлашда камчиликларга йўл қўйган 10 нафар шахсга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилди, улардан 2 нафари маъмурий ва 8 нафари интизомий жавобгарликка тортилди.

Жорий йилдаги муҳим янгиликлардан яна бири, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишини, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди. Ушбу янги тизим, шубҳасиз, давлат идоралари халқимизга янада яхшироқ хизмат қилишини янги босқичга олиб чиқади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи мазмундорлиги ва аҳамияти, биз яшаётган мураккаб даврнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олганлиги билан ажralиб турди. Хусусан, унда билдирилган ташаббусларнинг муҳимлиги ҳамда ўз вақтида илгари сурилганлиги БМТ Бош котиби Антониу Гутериш томонидан ҳам эътироф этилгани Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросига чексиз фахр-ифтихор бағишилади.

Айниқса, бугунги кунда ёшлар масаласининг долзарблиги ва Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича илгари сурган таклифи ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Чунки ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб, мамлакатимизда навқирон авлодга бекиёс ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Хусусан, 2016 йил 14 сентябрда имзоланган янги таҳирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун бунинг яққол далилидир. Унда ёшларга

замонавий таълим олиш, уй-жой харид қилиш, оила қуриш учун имтиёзли кредитлар олишда катта имкониятлар, тизимли ижтимоий кафолатлар назарда тутилган.

Нутқда ёшлар муаммоларига етарли эътибор қаратмаслик халқаро терроризм ҳамда экстремизм таҳдидларининг ортишига олиб келиши муқаррарлиги алоҳида айтиб ўтилди. Зотан, дунё миқёсида халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизи бевосита жаҳолат билан уйғун бўлиб, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, экстремистик фаолият ҳамда зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаганлар томонидан содир қилинмоқда. Шу маънода, барчанинг, аввало, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Президентимиз БМТ юксак минбаридан туриб, “Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад — “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган, оддий ва аниқ-равshan тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”, дея барчанинг эътиборини мамлакатимизда изчил олиб борилаётган тизимли ислоҳотларга қаратди.

Шунингдек, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган шиорлар нуфузли халқаро анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини тайёрлаш, Бош Ассамблеяning “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюциясини қабул қилиш бўйича таклифлари ҳам барчанинг диққат-эътиборини тортди.

Юртбошимизнинг “Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга

ошириш”, деган сўзлари ҳам миллати ҳамда эътиқодидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир инсонда яна бир бор чукур ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини теранлаштириди.

Давлатимиз раҳбари томонидан яна бир муҳим масала — миллатимизга хос бўлган азалий яқин қўшничилик ҳамда ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларга катта эътибор қаратилди. Бунинг амалий натижаси айни пайтда қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар изчил йўлга қўйилаётганида яққол қўринади. Сўнгги даврда ўзаро ишонч ошди, савдо-иктисодий, маданий алоқалар янада ривожланмоқда.

Шу билан бирга, нуфузли минбардан Ўзбекистоннинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасидаги амалий саъй-ҳаракатлари, бунинг самараси тўғрисидаги фикрлар ҳам янгради. Бу бугун мамлакатимизнинг меҳнат соҳасидаги халқаро мажбуриятларига масъулият билан ёндашаётганлигини намоён этди.

Умуман, Президентимиз Ўзбекистоннинг ички ҳамда ташқи сиёсати асосий параметрларини дунё ҳамжамияти эътиборига ҳавола қилди. Муҳими, бу халқаро ҳамжамият томонидан илиқ кутиб олинди.

Ишонамизки, Ўзбекистоннинг адолатли давлат барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари нафақат фуқароларимизнинг манфаатлари таъминланишига, балки минтақада, дунёда адолат мухити мустаҳкамланишига, дўстона муносабатлар қарор топишига замин яратади. Зоро, давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи том маънода тарихий воқеа бўлиб, Ватанимиз манфаати, халқимиз фаровонлигига хизмат қиласи.

Назорат учун саволлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
3. Сўз ва эътиқод эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг неchanчи моддасида кафолатланган?

4. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг нечанчи моддасида кафолатланган?
5. Фуқаролик жамияти институтларининг мажмuinи яна қандай номлаш мумкин?
6. Судялар олий мактаби қандай органинг ҳузурида ташкил этилди?

7-Мавзу. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоялари – Ўзбекистон тараққиётининг асоси.

1. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш.
2. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” ғоясининг амалиётга жорий этилиши.
3. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” ғоясининг ахамияти.

Таянч тушунчалар: ривожланиш, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий ривожланиш, сиёсий ривожланиш, ислоҳот, жамоатчилик назорати.

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Тошкент вилоятининг Қиброй туманида уюшмаган ёшлар вакиллари, маҳалла фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари, ёш тадбиркорлар, ижтимоий соҳа ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирокида **“Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар: ютуқлар ва истиқболдаги режалар”** мавзусида давра сухбати ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ва унда белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилди. Буюк ва бебаҳо неъмат - мустақилликнинг миллий

тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бораётганлиги, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлаётганлиги тадбирда эътибор қаратилган асосий масала бўлди. Тадбир иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, юртимизда иқтисодий соҳада олиб борилган ислоҳотлар натижасида охирги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти 6 баробарга, аҳолининг реал даромадлари 11 баробарга ошишига эришилди. 2016 йилда мамлакатимиз ЯИМ нинг 56,9 % КБ ва ХТ субъектлари хиссасига тўғри келди. 2016 йилда кичик бизнеснинг саноатдаги улуши эса 45 % гача ошишига эришилди. Хозирги кунда иш билан банд аҳолининг 78% мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда қулай ишбилармонлик мұхитини шакллантиришга бўлган эътибор, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларининг йилдан-йилга мустаҳкамлаб борилаётганидадир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари юртимизда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, эришилган ютуқларни аниқ мисоллар асосида таҳлил қилиб, “**Халк бой бўлса, давлат хам бой ва кудратли бўлади**” деган ғояни ҳаётимизда акс эттириш йўлида аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнес ва касаначиликни, томорқа ҳўжалигини ривожлантириш учун янги имконият ва преференциялар яратиб берилаётганлиги, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Хусусан, Президентимизнинг 5.10.2016 йилдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мұхитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида қабул қилинган ва жорий йилнинг 1 январидан эътиборан

кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатлариға ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни хусусида тўхталиб ўтдилар. Ушбу хужжат мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиш, тадбиркорлар фаолиятига аралашувларга йўл қўймаслик, бу борадаги ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Тадбирда шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар муҳокамаси қизғин тус олди. Сўнгти йилларда соҳани янада такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган саъи-ҳаракатлар самараси ўлароқ аҳолига қўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга эришилаётгани иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Хусусан, охирги ўн ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳасига оид 23 та Фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Мазкур норматив-хуқуқий хужжатлар асосида тиббиёт соҳасидаги мавжуд айрим камчилик ва муаммолар ўз ечимини топмоқда. Бунда парламент назоратининг йўлга қўйилиши тизимда фаолият юритаётган ходимлар масъулиятининг ошишига хизмат қилмоқда. Ташкилотчилар томонидан иштирокчиларга Президент Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ”да иқтисодиётни либераллаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган вазифалар ҳамда уларнинг жорий йилнинг 6 ойидаги ижроси ҳақидаги маълумотлар, истиқболдаги режалар атрофлича тушунтирилди. Тадбирда жамоат ташкилотлари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, уюшмаган ёшлар ва ёш тадбиркорлар вакиллари томонидан мавзу юзасидан берилган саволларга Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан тегишли жавоблар қайтарилди. Тадбирда ижтимоий соҳаларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг билдирган таклифлари ва мулоҳазалари тингланди. Ҳозирги кунда олиб борилаётга ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад битта – халқимизни ҳаётдан рози қилиш, бой қилиш. Бунга одамларни тадбиркорликка, ишбилармөнликка ўргатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик

соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тенг ва адолатли қонуний имкониятлар яратиш орқали эришиш мумкин. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” чунки давлатнинг асоси халқдир. Халқ бўлмаса давлат ҳам бўлмайди. 2020 йил 8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарори қабул қилинди. Қарордан асосий кўзланган мақсад аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратишидир. Ушбу қарорда 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати бир нечтага кенгайтирилди ҳамда 2020 йил 1 июлдан бошлаб қуидагилар жорий этилади: ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда маҳсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади; ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камидаги 50 фоизи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиқсан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади; Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига: эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камидаги 25 йил бўлган тақдирда; аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камидаги 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камидаги 7 йил иш стажи мавжуд

бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади. Бундан кўриниб турибдики фуқаро 7 йил ўзини ўзи банд қилса пенсия олиш хуқуқига эга бўлади. Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахслар кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиға тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг банкларидағи ҳисоб рақамларига қабул қилиш; Ушбу имтиёз Интернет тармоғи орқали пул топувчиларни ишини осонлаштиради. контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш); ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оиласвий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси 2021 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни осонлаштириш, шу жумладан қуйидагиларга имкон яратувчи сервислардан реал вақт режимида фойдаланишга ёрдам берадиган «Бизнес навигатор» ахборот тизимини жорий қилиши белгиланган бўлиб унда: тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини танлаш; кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш; тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк обьектларини танлаш имкониятлари мавжуд бўлади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида

олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди. Мазкур қарор аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда норасмий иш ўринларини расмийлаштиришга хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифини мамлакатимиз ва хорижий давлатлар эксперtlари шундай баҳоламоқда. 2017 йил 19 сентябрь куни Нью-Йоркда Америка Кўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясига ташриф буюрган давлат ва ҳукумат раҳбарлари шарафига расмий қабул маросими ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан иштирок этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Кўшма Штатларига ташрифи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи юртдошларимизга чексиз ғуур-ифтихор бағишилади. Бу мазкур ташриф анчадан буён кутилгани, Президентимизнинг нутқи одамларнинг қалбидан, тафаккуридан чуқур жой олганидан далолатdir. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 193 мамлакатни бирлаштирган энг йирик халқаро тузилма. Бош Ассамблея унинг асосий органи. Бош Ассамблея сессиясида дунё етакчилари йиғилади, иштирокчилар ва тадбирлар қўплигидан ҳар бир сония ҳисобли бўлади. Шу боис унинг кун тартибидан энг муҳим, халқаро аҳамиятга молик масалалар ўрин олади. Бош Ассамблеяниң 72-сессияси кун тартибига 170 дан ортиқ масалалар киритилди. Президентимизнинг нутқи мазмундорлиги ва аҳамияти билан алоҳида ажралиб турди. Қисқа бўлишига қарамай, нутқ замонамизнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олди: Ўзбекистондаги ислоҳотлар, демократия, инсон ҳуқуқлари, ёшлар масаласи, диний бағрикенглик, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, экология ва ҳоказо.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаоллашгани, халқаро алоқалар учун кенг эркинлик яратилгани, мамлакатимизнинг янги қиёфаси

